250796

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 13 июль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 51 (6748)

Даъват

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси, халқаро ҳуқуқнинг мустақил иштирокчиси — субъекти сифатида башарият аҳлига танилди.

Ибрат

Франциянинг «Севенол» халқаро лицейи ўқувчилари қадимий Самарқанднинг меъморчилик обидаларини таъмирлашда иштирок этиш имконига эга бўлдилар.

ИСЛОМ КАРИМОВ: ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗ ТЎҒРИЛИГИНИ ҲАЁТ ТАСДИҚЛАМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДИПЛОМАТИК КОРПУС ҲАМДА ТОШКЕНТДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН УЮШТИРИЛГАН БРИФИНГДА БЕРИЛГАН САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАРИ

Хабар қилинганидек, 5 июль куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов дипломатия корпуси ва Тошкентда фаолият юритаётган журналистлар билан навбатдаги анъанавий учрашувини ўтказди.

Президентимизнинг учрашувда сўнгги ойларда мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсий ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан алоқалари хусусида сўзлаган батафсил нутқи матбуотда эълон қилинган эди. Учрашувда юртбошимиз журналистларнинг талай саволларига ҳам жавоб қайтарди. Қуйида ана шу савол-жавоблар билан танишасиз.

Юрий ЧЕРНОГАЕВ, «Постфактум» агентлиги, Россия:

— Жаноб Президент, Америкада қозонган улкан дипломатик муваффақиятингиз манзарасида сизнинг МДҲга муносабатингиз ўзгарадими, янада қатъийроқ бўладими? Яна бир савол: Сизнинг бу сафарингизга Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар раҳбарлари томонидан муносабат билдирилдими? Агар сир бўлмаса, Пентагонда имзоланган протоколда Америка билан ҳарбий соҳада ўзаро муносабатларнинг қандай янги томонлари кўзда тутилган?

Ислом КАРИМОВ:

— Ҳа, Ўзбекистон делегациясининг Америка Қўшма Штатларига ташрифи ҳақиқатан ҳам самарали ва муваффақиятли бўлди. Бу ташриф натижалари нафақат бизнинг икки томонлама муносабатларимизга, балки умуман халқаро доирадаги муносабатларга ҳам таъсир этиши шубҳасиз. Улар халқаро доирадагина эмас, бизнинг демократик ислоҳотлар, янгиланиш, бозор ислоҳотлари йўлидан, сармоя лойиҳаларини тобора ривожлантириш йўлидан янада жадалроқ ҳаракат қилишимизга, шунингдек, бошқа кўпгина масалаларга ҳам таъсир ўтказади. Бироқ бизнинг бошқа давлатлар билан, жумладан, МДҲ давлатлари билан муносабатларимиз Президент ёки Ўзбекистон делегациясининг бошқа мамлакатларга қайсидир сафарлари натижасида юзага келгани йўқ. Шунинг учун ҳам сизга шуни маълум қилиб қўймоқчиманки, бизнинг МДҲ мамлакатлари, умуман МДҲ билан муносабатларимиз, энг аввало, шу мамлакатлар ва Ўзбекистон манфаатларига хизмат қилган ва бундан кейин ҳам ана шунга хизмат қилиши лозим. Бизнинг МДҲ келажагига доир масалаларга муносабатимизни сиз яхши биласиз, шунинг учун ҳам, ижозатингиз билан бу масалаларга тўхталиб ўтмайман.

(Давоми 2-бетда)

ҚАБУЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТАЛАБАЛИККА ТАЛАБГОРЛАР УЧУН!

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан «1996 йил ўқув юртларига тест синовларини ўтказиш учун меъёрий ва йўл-йўриқ ҳужжатлари» тайёрланди. Мазкур ҳужжатларнинг абитуриентлар учун зарур қисмларини газетамизда чоп этишни лозим топдик. Зеро, талабаликка талабгор бўлган барча ука ва сингилларимиз аввало тест синовидан ўтиш шартлари ва қоидалари билан танишиб олишлари зарурдир. Қолаверса, қабул комиссияларининг масъул котиблари ҳам мазкур ҳужжатларни яна бир бор пухта ўрганиб чиқсалар, албатта фойдадан холи бўлмас.

ҲУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТ

Тест синовидан ўтиш шартлари ва қоидалари билан танишинг.

Сизга тест синовларига кириш учун Рухсатнома ва Титул варақаси тест синовлари ўтказилишига 3 кун қолганда берилади.

Сиз қатнашадиган гуруҳ ва аудитория номери тест синовлари ўтказилишидан 2 кун аввал эълонлар тахтасига илиб қўйилади.

Тест синовлари вақтида сизга жавоблар варақаси берилади, уни кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручка билан тўлдиришингиз керак. Сиз тўлдирган шу жавоблар варақаси билимингизни баҳолаш учун асосий ҳужжат ҳисобланади.

Варақани тўлдиришда хатога йўл қўйманг!

Жавоблар варақаси билан биргаликда сиз саволлар китобчасини ҳам оласиз. Жавоблар варақасида белгиланган вариант сизга тушган савол китобчасининг вариантига албатта мос тушиши шарт. Акс ҳолда ЭҲМ (электрон ҳисоблаш машинаси) берган жавобларингизни инкор қилиб, сизга 0 балл белгилайди ва сиз тест синовларидан ўтмаган ҳисобланасиз.

Жавоб варақалари оптик ўқув қурилмалари орқали ўқилади ва компьютерга киритилади. Шунинг учун қуйида келтирилган шартларни бажаришингиз ниҳоятда муҳимдир:

— жавоблар варақасида ёзилган кўрсатмаларни тўлиқ ўрганиб чиқиб уни

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1996/97 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ, ОЛИЙ МАЪЛУМОТ ОЛИШДА ҚОБИЛИЯТЛИ ЁШЛАРНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА АБИТУРИЕНТЛАРНИ СИФАТЛИ ТАНЛАШ МАҚСАДИДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. 1996/97 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида ўқитиш учун 23 минг давлат грантлари белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилишни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун давлат комиссияси таркиби тасдиқлансин.

3. Олий ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, давлат тест маркази:

абитуриентларни, тест натижасида тупланган балларни ҳисобга олган ҳолда, рейтинг тизими бўйича қабул қилишни ташкил этсинлар;

ўзларига қарашли олий ўқув юртларида ўқитиш шакллари ва тилларига кўра таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича грантларнинг тақсимланишини бир ҳафта муддатда давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

Грантларни тақсимлашда қуйидаги мутахассисликларнинг устиворлиги таъминлансин: менежмент, маркетинг, молия ва кредит, банк иши, солиқлар ва солиқ солиш, суғурта иши, иқтисодиётда ахборот тизимлари, халқаро иқтисодий муносабатлар, кон иши, нефть-газ иши, автомобилсозлик, педагогика, юриспруденция, халқаро ҳуқуқ, чет тиллар.

4. Белгилаб қўйилсинки, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида 1996/97 ўқув йилининг биринчи курсларидан бошлаб ўқитиш учун барча ўқув харажатларининг 50 фоизи миқдорида тўлов жорий этилади.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, олий ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идораларнинг ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ўқитишнинг кундузги шакли бўйича бир ўқитувчи ҳисобига талабалар сони нисбати нормативлари чегарасини таълим йўналишлари, мутахассислик ва олий ўқув юртининг хусусиятларига қараб 1:9 гача қўпайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўқитувчилар ва талабалар нисбати нормативларининг ўзгаришидан қатъи назар, олий ўқув юртлари иш ҳақи фондининг ҳозирги миқдори, унинг бўшаб қолган қисмини олий ўқув юртларининг юқори малакали ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун йўналтирган ҳолда сақлаб қолинсин.

Бўш қолаётган ўқитувчилардан олий ўқув юртлари ҳузурида ташкил этиладиган коллежларда, гимназияларда, мактабларда, лицейларда, шунингдек, умумтаълим муассасаларида фойдаланиш тавсия этилсин.

6. Олий ўқув юртларининг ректорларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобида профессор-ўқитувчиларга юқори малакаси учун бир окладгача миқдорда табақалаштирилган ҳар ойлик устама белгилашига рухсат берилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирлиги билан биргаликда олий ўқув юртлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг асосий мезонлари тўғрисида низомни икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Давлат комиссиясига қуйидагиларга рухсат этилсин:

олий ўқув юртларига грантлар умумий сонининг 20 фоизи доирасида, улардан 10 фоизгачасини Тошкент шаҳри олий ўқув юртларига, шу жумладан, нол курсларга, устувор ва танқис мутахассисликлар бўйича, пулли-контракт асосида, юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртманомаларига мувофиқ, абитуриентларнинг ушбу тоифаси ўртасидаги тест натижаларидан келиб чиқиб, улар томонидан ўқитишнинг тўлиқ қийматини қоплаган ҳолда қўшимча равишда қабул қилишни амалга ошириш;

олий ўқув юртларига аниқ мутахассисликлар ва таълим йўналишлари бўйича пулли-контракт асосида қабул қилиш кўрсаткичларини юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртманомаларини ҳисобга олган ҳолда қуриб чиқиш ва уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида низомга зарур ўзгартиришлар киритиш.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда ўқитиш ва мутахассислар тайёрлаш ҳақи миқдорини, шунингдек, тушган маблағларни олий ўқув юртларида сарфлаш тартибини кўрсатган ҳолда ўқитишнинг пулли-контракт шакли тўғрисида низомни ишлаб чиқсин ва 1996 йил 25 июлгача Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсин.

9. Олий ва ўрта мактабни интеграциялашни чуқурлаштириш, ўқув жараёнини такомиллаштириш, янги турдаги таълим муассасаларини ташкил этиш учун 1996/97 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар Халқ таълими вазирлиги ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда фаолият кўрсатаётган мактаблар негизида ҳаммуассислик ҳуқуқлари билан ҳар бир олий ўқув юрти ҳузурида, уларда ўқитишнинг юқори савияда бўлишини таъминлаган ҳолда, учтадан кўпма умумтаълим мактаблари (1 та бизнес мактаби, 1 та ихтисослаштирилган лицей, 1 та гимназия) ташкил этсинлар.

10. Олий ўқув юртларнинг ўқитишнинг пулли-контракт шакли бўйича кадрлар тайёрлашдан тушган маблағлари, улардан моддий-техникавий базани мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини ўқитишнинг янги воситалари билан таъминлаш, олий ўқув юртлари ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва моддий рағбатлантириш учун мақсадли фойдаланилган тақдирда, солиқларнинг барча турларидан 5 йил муддатга озод қилинсин.

11. Молия вазирлиги 1996/97 ўқув йили учун белгиланган грантларни ҳисобга олган ҳолда бюджетнинг дастлабки прогноз кўрсаткичларига тузатишлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С. С. Саидқосимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 5 июль.

Олтин ёз — ўтмоқда сўз!(?)

ЖАРҚИШЛОҚДА ИККИ МАНЗАРА

1. ҚАНЧА МАҚТАСАМ ШУНЧА ОЗ

Яккабоғ қўрғонининг юқори қисмида жойлашган сўлим, хушҳаво боғу-роғларга бормабсиз, ҳали сиз Қашқа воҳасига келмабсиз. Бу сўлим гўшалар дунёнинг нақд жаннатмакон жойлари. Қизил дарёнинг ҳар иккала соҳили бўйлаб роппа-роса 12 та оромгоҳ бунёд этилган. Буларнинг деярли барчаси вилоятнинг нуфузли идора ва корхоналари ихтиёрига топшириб қўйилган.

Биз «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигининг Жарқишлоқ заминида жойлашган вилоят деҳқончилик ва саноат ишлаб чиқариш уюшмаси тасарруфидаги Майна Ҳасанова номли болалар оромгоҳига ташриф буюрдик. Оромгоҳ зич дарахтлар орасида бўлиб унинг ҳудуди соя-салқин, теварак-атрофи топ-тоза, супуриб-сидирилган, сувлар сепилган. Ҳиёбонлар замон талабларига мос кўргазмали стендлар билан жиҳозланган, барча хоналар ораста ва озода.

Турли-туман мавзудаги кўргазмалар ва деворий газеталар чиқарилган. Бу ердаги барча жиҳозлар ва тартиб оромгоҳ тарбиячилари талаблар даражасида иш олиб боришаётганлигининг ифодасидир. Айни кунда оромгоҳда 625 нафар бола кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришаяпти. Ётиш-туриш ва ейиш-ичишда камчилик йўқ. Бирғина «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигининг ўзи оромгоҳни сут билан таъминлаб турибди. Ҳар куни эрта тонгда жамоа хўжалиги чорвадорлари 250 литр ҳозиргина соғиб олинган сутни бу ерга етказиб келадилар. Суту қатиқ етарли. Полиздан эндигина узилган бодрингу кўкатлар ҳам пазандаларга келтириб берилмоқда.

(Давоми 4-бетда)

12 ЙИЛЛИК МАКТАБ

Грузия Олий таълим вазирлиги томонидан жорий этилди. Ўқитувчиларнинг дарс соати 18 соатгача қисқартирилиб, 11 — 12 синфнинг «иккичи» ўқувчилари эса... пул тўлайдиган бўлдилар.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

ТОРТИШИБ ЎТИРМАНГ

АҚШ парламентининг Таъминот қўмитаси давлат жамғармаларининг бундан буён тортишувли илмий изланишларга ишлатилмаслигини баён қилди.

ҚАРОҚЧИЛАРГА ҚАРШИ

АҚШда компьютер тизимининг қароқчилари — хакерларга қарши курашни кучайтиришга киришилди.

ЎРНАК

Коллежлар иттифоқи ҳамда илмий кутубхоналар АҚШда кутубхоналардан узоқ масофалардан туриб ҳам фойдалана олишни таъминлашга қаратилган дастур ишлаб чиқмоқдалар.

ҲОДИСА

Блэкенхоллдаги мактаб ўқувчиларига пичоқ билан ташланган руҳий хаста киши уларга оғир жароҳатлар етказди. Афсуски, бу, ота-оналар фикрича, кейинги вақтларда кўпайиб қолган ҳодисалардан.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 июль куни Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришарни қабул қилди. Унда элчи Президентимизга Франция Республикаси Президенти Жак Ширакнинг шахсий номасини топширди.

⊛ Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Шаарани бин Ҳожи Иброҳим 11 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғи топширди.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пул-кредит сиёсати бўйича Республика комиссиясининг таркиби тўғрисида» Фармони чиқди.

⊛ Россия Хавфсизлик Кенгаши котиби А. Лебедьнинг ташрифи арафасида Чеченистонда аҳвол яна бир карра ёмонлашди. Бу республиканинг қайтадан катта уруш остонасида турганлигидан дарак бермоқда.

⊛ Латвия ҳудудида НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасида АҚШ ҳамда Болтиқбўйи давлатлари ҳарбий кучларининг биргаликдаги «Болтиқ чорлови» деб номланган ҳарбий ўқув машқлари бўлиб ўтди.

⊛ ГФР ҳукумати расмий вакили Петер Хаусман иккинчи жаҳон урушидан сўнг собиқ СССРда қолган маданий бойликларни Германияга қайтариш борасидаги тортишувли масалани ФРГ федераль канцлери Гельмут Коль шахсан Борис Ельцин билан муҳокама қилмоқчи эканлигини таъкидлади.

⊛ Федерал судлар АҚШ ҳуқуқ ҳимоячиларига ўтган йили телефон суҳбатларини эшитиш учун 672 та рухсатнома берган эди. Бу кўрсаткич 1992 йилдагига, яъни Жорж Буш президентлиги давридагига нисбатан икки баравар кўп, дея хабар беради «Вашингтон пост».

⊛ Британия банклари Ироқ Марказий банки ва бир қанча вазирликларини ўзларининг бу мамлакатга борган 600 миллион доллар ҳажмидаги қарзларини қайтариб олиш учун судга берди. Бу кредит Ироққа Форс кўрфазида уруш бошламасдан бир неча йил олдин берилган бўлиб, 1992 йилда қайтарилиши лозим эди.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ҲИММАТ

Бахмал тумани Й.Охунбобоев номидаги 14-ўрта мактабда июнь ойида ўтказилган уч авлод учрашуви кўпчилик хотирасида унутилмас бўлиб қолди. Билим масканини битирган собиқ ўқувчилари катта ҳиммат кўрсатишиб, мактаб ҳовлисига Йўлдош Охунбобоевнинг бюстини ўрнатиб беришди. Шунингдек, бюст ёнидан шу мактабда ишлаб вафот этган ўқитувчиларнинг номлари ёзилган хотира лавҳаси ҳам ўрин олди. Тантанада Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманида истиқомат қилувчи Йўлдош отанинг набиралари иштирок этишди.

Яна бир эътиборли томони, тантанада 60 ёш арафасида турган мактабнинг юбилейини ўтказувчи ташкилий қўмита ва мактабни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Шу куниёқ ушбу жамғармага саховатли кишилар ва ҳомийлар томонидан 166 минг сўм маблағ йиғилди.

ЯНА БИР УЧРАШУВ

Шофиркон тумани Ражаббой Холмуродов номидаги 3-ўрта мактабда ҳам мазкур билим масканини 30 йил бурён битириб кетган «ўқувчи»лар учрашуви бўлиб ўтди. Ҳаяжонли кечган ушбу учрашув собиқ синфдошлар орасидаги меҳрни кучайтирди.

ТЎЙ ОЛДИДАН

Келгуси йили Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи жаҳон миқёсида кенг нишонланиши кутилмоқда. Яқинда Хоразм вилояти ҳокимлиги ва Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети ташаббуси билан ушбу дорилфунуннинг маданият саройида мазкур санага бағишланган илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда вилоят, туман ва шаҳар халқ таълими ходимлари, ҳокимиятлардан вакиллар, Урганч давлат университети, Нукус давлат педагогика институти ҳамда Қорақалпоқ давлат университети олимлари, умуман зиёлилар иштирок этдилар. Олимларнинг Хива тарихига оид маърузалари барчада қизиқиш уйғотди.

МУАЛЛИФЛАР:
С.ХОЛИҚОВ, Н.ОЧИЛОВ, Ғ.ЁҚУБОВ.

ИСЛОМ КАРИМОВ:
ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗ ТЎҒРИЛИГИНИ ҲАЁТ ТАСДИҚЛАМОҚДА

(Боши 1-бетда)

Биз МДҲнинг келажаги порлоқ эканига аминмиз, унинг имкониятлари, салоҳиятидан ҳали тўла фойдаланилгани йўқ. Бироқ биз чуқур иқтисодий, гуманитар интеграция ниқоби остида давлатлардан устун турадиган турли-туман тузилмалар тузилишига қатъиян қаршимиз — бу бизнинг манфаатларимизга мос эмас. Биз иқтисодий муносабатларимиз МДҲ доирасида чуқурлашиб, мустаҳкамланиши тарафдоримиз, собиқ СССРнинг турли минтақаларида истиқомат қилаётган кишилар ўртасидаги чин инсоний муносабатлар ривожланиб, мустаҳкамланиши тарафдоримиз.

Сизнинг агентлигингиз учун алоҳида шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистон МДҲга халқаро ҳуқуқ субъекти деб қаралишига қарши. МДҲ — ҳамдўстлик, шундай экан, ҳамдўстлик бўлиб қолавергани тузук.

Марказий Осиё минтақасидаги қўшниларимиз билан муносабатларимизга келсак, кеча мен Президент Асқар Акаев билан телефонда гаплашдим. Биз ташриф натижалари ҳамда ўзаро манфаатли бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдик. Мен Қозоғистон ҳам, Қирғизистон ҳам, Туркманистон ҳам, Тожикистон ҳам бизнинг ютуқларимиздан, муваффақият билан олға қараб бораётганимиздан хурсанд эканига аминман. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон эришган ютуқлардан биз ҳам худди шу тариқа қувонамиз. Бу ерда ҳеч қандай муаммо йўқ.

Мен минтақавий ҳамкорлик, минтақавий интеграциянинг келажаги порлоқ ҳамда улар тобора ривожланиб бораверишига лозим, деган фикримда қатъий тураман.

Вазир У. Перри жаноблари билан бизнинг суҳбатимиз, Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазирлигида олиб борган музокараларимизга келсак, шуни айтмоқчиман: бу ҳеч кимни қўрқитмаслиги керак. Бизнинг Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларимиз, жумладан, ҳарбий-техника соҳасидаги муносабатларимиз ҳам, бирон-бир томон ёки бирон-бир мамлакатга қарши қаратилмаган. Шуни яна бир марта аниқ ва қатъий таъкидламоқчиманки, бизнинг бу соҳадаги муносабатларимиз Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни барқарорлаштиришни мустаҳкамлашга, Афғонистондаги нотинч аҳвол ва Тожикистондаги таранг вазиятни ҳисобга олган ҳолда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган. Бизнинг Америка Қўшма Штатлари, жумладан, бу давлатнинг мудофаа вазирлиги билан муносабатларимиз белгиланган тартибда, ҳеч кимнинг хавфсизлигига зарар етказмаган ҳолда ривожланмоқда.

Амирқул КАРИМОВ, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги:

— Ислом Абдуғаниевич, мустақиллигимизнинг беш йиллиги нишонланадиган кунлар яқинлашмоқда. Шу муносабат билан жорий йилнинг биринчи ярми якунлари, ундан чиқадиган хулосалар ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

Ислом КАРИМОВ:

— Хулоса тариқасида гапирадиган бўлсак, биринчидан: Ўзбекистон 1996 йилнинг биринчи ярмида ўзимиз олдин ишлаб чиққан ва астойдил амалга ошираётган сиёсат ривожи ҳамда унинг амалий самарасини яна бир бор тасдиқлаб берди. Бутун жаҳон буни тан олди, олдимизга қўйган тамойиллар, мақсадларимиздан бир қадам ҳам ортга чекинганимиз йўқ. Режаларимиз, мақсадларимиз аниқ. 1996 йилнинг биринчи ярмида ҳам барча саъй-ҳаракатларимиз ана шу режаларни рўёбга чиқаришга қаратилди.

Иккинчи хулоса: 1996 йилнинг биринчи ярми якунлари шуни яна бир бор тасдиқлаб турибдики, бозор иқтисодиётига ўтиш, сиёсий ислоҳотлар, демократик жамият қуриш борасида бизлар янгиянги қадамлар қўйяпмиз. Бошқача айтганда, юртимизда юз бераётган демократик, сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар жараёни орқага қайтмайдиган бўлиб, муқаррар тус олаётганини мен катта мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Учинчи хулоса: Жамиятимиз, халқимиз бу ислоҳотларни, ўзгаришларни қизғин қўллаб-қувватлаяпти. Америкада бўлганимда мухбирлар бундай якдилликнинг сабаби нима, деб сўрашганди. Майли, сизлар ҳам эшитинглар, жавоб шундай бўлади: Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаронинг мақсади — озод ватанда озод яшаш. Мен жуда хурсандманки, жамиятимиз, халқимиз мана шу мақсад йўлида белни маҳкам бойлаб, ўзини аямасдан меҳнат қиляпти, катта умид билан яшаяпти.

Охирги хулоса шуки, Ўзбекистоннинг ташқи, ички сиёсатини жаҳон ҳамжамияти эътироф этяпти, қўллаб-қувватлаяпти, Ватанимизнинг обрўйи ошмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро обрўйи, миллати, эътиқодидан қатъи назар ҳар бир фуқаромизнинг юрагини фахр-ифтихор туйғулари билан тўлдиради. Келажакка ишончини мустаҳкамлайди.

Ким БРУТ, «Коре Ильбо» газетаси мухбири:

— Менинг иккита саволим бор. Билишимча, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодиёт соҳасидаги фаоллиги, энг аввало, хорижий сармояларни жалб этиш зарурати билан изоҳланади. Бугунги кунда беш йил давомида киритилган сармоялар ҳажми ҳамда бу борада айрим мамлакатларнинг алоҳида ҳиссаси қанча? Иккинчи савол: илгари иқтисодиётни ривожлантириш, маҳсулот, хомашёнинг айрим турлари бўйича йиллик маълумотлар эълон қилиб турилар эди. Бу йил газеталарни унчалик диққат билан ўқимаганманми, ҳар ҳолда буни кўрмадим.

Ислом КАРИМОВ:

— Бугунги кунда Ўзбекистонда хорижий сармоялар иштирокида қарийб беш миллиард Америка доллари миқдорида лойиҳалар амалга оширилмоқда. 1995 йилда Ўзбекистонда тахминан бир миллиард Америка доллари миқдоридаги хорижий сармоялар ўзлаштирилди. Бу сармояларда қайси мамлакатларнинг улуши салмоқли, деган савол қизиқтирадими? Мен биринчилар қаторида Германияни тилга олишни истар эдим. Дарвоқе, мен бугун Ўзбекистонга айнан мана шу масалалар бўйича келган «Даймлер-Бенц» корпорацияси раҳбариятини қабул қиламан. Кейинги ўринларда Жанубий Корея, Япония, АҚШ туради.

Иккинчи саволингизга келсак, бугунги кунда бозор иқтисодиётига ўтаётган барча давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам ташкилий ўзгаришлар юз бермоқда. Бу биринчи галда статистика ҳисоботида ҳамда илгариги социалистик тизимда мавжуд бўлганидан мутлақо фарқ қиладиган барча индикатив маълумотларда акс этиши лозим. Совет тизими даврида умумий маҳсулот, ўсиш суръати ва ҳоказоларнинг умумий ҳажминигина кўрсатадиган тизим мавжуд эди. Асосий мақсад — фақат ютуқларни кўз-кўз қилишдан иборат эди. Шуни яна таъкидлайманки, илгари асосий кўрсаткич — ўсиш суръати эди.

Бугунги кунда биз Америка Қўшма Штатлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, БМТнинг тегишли дастурлари ёрдамида миллий ҳисоб-китоблар тизимини жорий қиляпмиз. У илгариги статистикадан тубдан фарқ қилади ҳамда биз уни муваффақият билан ўзлаштиряпмиз.

Макроқўрсаткичлар, шунингдек, молиявий, иқтисодий ҳамда бошқа мутаносибликлар ва барқарорликни акс эттирадиган бошқа кўрсаткичлар янги тизимнинг асоси ҳисобланади. Газета маълумотларини билмадим, аммо бизда Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг махсус тўплами нашр этилади. Биринчи ярим йиллик натижалари бўйича ҳам албатта махсус тўплам чиқарилади. У турли тилларда — инглиз, рус ва ўзбек тилларида нашр этилади.

ФУРҚАТБЕК, «Озодлик» радиоси мухбири:

— Жаноб Президент, май ойи охирларида Сизнинг Фармонингиз билан бир қанча маҳбуслар озод этилди. «Хельсинки Вотч», «Хьюман Райтс Вотч» ташкилотларига Ўзбекистонда фаолият олиб боришлари учун йўл очдингиз. Ундан кейин яқинда баъзи бир сиёсий рақибларингизга, ҳатто Ўзбекистонда фаолият олиб боришлари учун рухсат бердингиз. Рўйхатни ҳали давом эттириш мумкин. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва демократия соҳасида янги, аввалгисидан либералроқ давр бошланганини билдирадими? Умуман, 1995 йилнинг охиридан кўзга яққол ташлана бошлаган очиқ сиёсатингизни қандай тушунтирасиз? Каримов ўзгариб қолдими ёки унинг сиёсати ўзгаряптими? Ёки буларнинг барчаси олдиндан ўйланган сиёсат эдими?

Иккинчи саволим: Америкага ташрифингиз жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Мана шу ташрифдан кейин Ўзбекистон мустақиллиги, хусусан, унинг хавфсизлиги мустаҳкамландими?

Ислом КАРИМОВ:

— Мен айтадиган биринчи ва асосий гап шуки, Ўзбекистон мустақил бўлган кундан бошлаб сиёсат, иқтисод, маънавият соҳасида ўзининг мақсад-режаларини аниқлаб олди, тамойилларини ишлаб чиқди. Биз танлаган йўл тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Биз бошиданоқ нафақат иқтисод, балки сиёсатда ҳам «шок терапия»сига қаршиэдик. Яна бир нарсага иқрор бўляпмизки, ислоҳотлар ўтказилаётганда, албатта одамларнинг дунёқараши, миллий урф-одатлари, анъаналари, шарт-шароити, керак бўлса, табиати, феъл-атвори инобатга олиниши керак. Шуни қилмасак, катта хатога йўл қўйган бўламиз. Ўзбекистонда сиёсий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўзбекча айтганда, «мусулмончилик астасекинлик билан» бўляпти.

«Каримов ўзгардими ёки унинг сиёсати?» деган саволингизга жавоб бериб шундай демоқчиман: авваламбор одамни ҳаёт ўзгартиради. Шу жумладан, жамият ўзгараётганда Президент ҳам ўзгаради. Яқинда мустақиллигимизнинг беш йиллигини нишонлаймиз. 1991 йил 1 сентябрда туғилган болалар яқинда бешга киради. Илойим уларга умр берсин! Мана шу бешга кирган болалар балоғат ёшига етганда мутлақо бошқача бўлишади. Дунёқарашлари, табиатлари билан улар биздан мутлақо фарқ қилишади. Иншооллоҳ, мен катта умидлар билан шу кунларни кутяпман. Оллоҳ умр берса, мустақиллик кунида туғилган болаларнинг ҳаётга қадам қўйиб давлат, жамоат ишларида иштирок этаётганларини кўрсам, армоним қолмасди.

Муаммолар хусусига келсак, мен улардан учтаси ҳақида гапирмоқчиман. Конституциямиз, қонунларимиз берган ҳамма ҳақ-ҳуқуқларни амалга ошириш учун бизлар ҳали кўп ишлашимиз керак. Иккинчи масала — бу сиёсий мухолифат. Мухолифат ҳар бир демократик давлатда бўлиши керак. Мухолифат мавжудлиги демократия аломати десак, сиёсий хато қилган бўлмаймиз. Ҳозир кучга кираётган партияларга, янги пайдо бўлаётган партияларга бизнинг ишончимиз катта.

Учинчи муаммо — бу матбуот. Мен бир марта эмас, бир неча марта таъкидлаб, алоҳида уқтириб ўтганман: матбуот соҳасида муаммолар жуда кўп. Бу муаммоларни ечишимиз, ғарб давлатлари, демократик давлатлар андозалари даражасига, албатта, етиб боришимиз керак.

Гапимни якунлаб айтмоқчиманки, Ўзбекистонда сиёсий, демократик ислоҳотлар бундан кейин ҳам изчил давом этади. Америкага сафаримиз, Европа Ҳамжамияти билан, Европа Иттифоқи билан имзоланган битимлар, шартномаларнинг ўзига яраша мажбуриятлари бор. Ушбу шартномаларни тасдиқлаётганда зиммамизга катта-катта мажбуриятлар олганмиз. Гап ана шу мажбуриятларни бажаришда қолган.

Энди Америка Қўшма Штатларига ташрифимиз хавфсизлик масаласи бўйича бизга қандайдир кафолат бердими, деган саволингизга келсак, ташриф асносида Ўзбекистон танлаган йўл, Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғри эканлигига, шу сиёсатни изчил давом эттиришимиз кераклигига ишончим кучайди. Жаноб Билл Клинтон билан суҳбатлашганда Америка Қўшма Штатлари Президенти АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини, истиқлолини ҳимоя қилишдан манфаатдорлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бундан ортиқ яна қандай кафолат керак?

Ташрифимизнинг энг катта ютуғи ҳам мана шу кафолат эканлигига халқимиз муносиб баҳо беради, деб ўйлайман.

Хайрулло УБАЙДУЛЛАЕВ, «Би-Би-Си» радиостанциясининг ўзбек шўъбаси:

— Жаноб Президент, мана менинг қўлимда АҚШ мудофаа вазирлигининг меморандуми. Бу ерда, жумладан, «Ўзаро фойдали-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун конверсион қўмита ташкил этилиши» ҳақида гап боради. Шунга озгина шарҳ беролмайсизми, яъни конверсияга гирифтор бўлиши мумкин бўлган объектлару бунинг фойда ва зарари ҳақида.

Ислом КАРИМОВ:

— Дарҳақиқат, Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазирлиги ва бошқа вазирликлар, жумладан, савдо вазирлиги, молия вазирлиги билан музокара олиб борилаётганда конверсия масаласига алоҳида эътибор берилди.

Америка Қўшма Штатларидан Ўзбекистонга бир неча бор махсус делегациялар келиб кетди. Ўзбекистон шароитида конверсияни уюштириш учун алоҳида дастурлар тузилди. Бир вақтлар мудофаа тармоғида ишлаган корхоналаримизнинг аҳволи ҳозир жуда оғир, улар буюртмасиз ўтиришибди. Шу корхоналарни, энг аввало, истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган соҳаларга ихтисослаштириш керак. Мисол учун, авиация заводимизда йўловчилар ташувчи янги ИЛ-144 русумидаги самолётни ишлаб чиқариш, уларни истифода этиш учун буюртмалар топиш, четга сотиш, умуман халқ хўжалигида, иқтисодиётимизда мазкур самолётдан самарали фойдаланиш конверсия дастурида кўзда тутилган масалаларнинг бир қисми, холос.

Ғофир ЖАМОЛОВ, Ўзбекистон радиоси мухбири:

— Яқин кунларда Асакадаги автомобиль заводи дарвозасидан Ўзбекистоннинг биринчи автомобили йўлга чиқади. Бу қўшма корхонанинг маҳсулоти жаҳон бозоридан ўз ўрнини топа оладими? Мана шу автомобилларнинг республикамиз ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссаси қандай бўлади?

Ислом КАРИМОВ:

— Дарҳақиқат, 19 июль куни Андижон вилоятининг Асака шаҳрида Марказий Осиёда биринчи ва ягона автомобил заводи ишга тушишини нишонлаш маросими бўлади. Бу нафақат иқтисодий ҳаётимизда, маънавий, сиёсий ҳаётимизда ҳам тарихий воқеадир. 3-4 йил олдин мана шу лойиҳа бўйича иш бошлаганимизда, Ўзбекистонда шундай катта завод пайдо бўлишига камдан-кам одам ишонарди. Завод 50-50 принципи асосида (бизнесменлар тилида буни «фифти-фифти» дейдилар) қурилди. Яъни — 50 фоиз маблағ Ўзбекистондан, 50 фоизи Кореянинг «ДЭУ» корпорациясидан. Йирик компаниялар, банклар, концернлар ҳам бу ишга бош қўшишди.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун мана шу залда ўтирган муҳтарам элчиларни, халқаро ташкилотлар раҳбарларини, мухбирларни завод очилишига бағишлаб Андижон ва Тошкентда бўладиган тантаналарга катта мамнуният билан таклиф этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги брифингда иштирок этганингиз учун барчангизга самимий миннатдорлик билдириб, халқимиз, жамиятимиз номидан бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаётган, ишлаганда ҳам ўз давлатлари, ўз халқлари равнақи йўлидагина эмас, умумий ҳамкорлигимиз равнақи, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлида ҳам ишлаётган барча кишиларга юксак эҳтиром туйғуларини изҳор этмоқчиман. Гапимга ишонинглар, биз буни жуда яхши англаймиз ва қадрлаймиз. Шунинг учун ҳам барчангиздан миннатдормиз.

Китоб туманидаги А. Ҳужаев номидаги мактабда уқувчиларни миллий анъаналар руҳида тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Бу ишда, айниқса, тўгарклар жуда қўл келмоқда. Зардузлик тўгараги шулар жумласидандир. Унга қўли гул зардуз Салима Раҳмонова бир неча йилдирки, раҳбарлик қиляпти. Уқувчилар қалбида халқимизнинг қадим санъати жилоларини муҳрлаб, шуурини миллий ғурур туйғуси ила мунаввар этяпти. Суратда Салима Раҳмонова шогирдлари даврасида.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

МЕҲНАТ САНЪАТГА АЙЛАНГАНДА...

Бу кандакор йигитни Бухорои Шарифда купчилик яхши танийди. Унинг касбига нисбат берганда, «машаққатли» сўзи ҳам бу серзаҳмат меҳнат тарозисини босолмайди. Ҳа, бу рост гап, рост иқрор. Унинг сукунат ҳукмрон устахонасида туйғулар нафис, нигоҳлар зар қатим бўлиб сизади. Гап ким ҳақида бораётганлигини билишга қизиқаяпсиз-а, азиз газетхон. Бу йигит Бухоро кандакорлик мактабининг асосчиларидан бири, ўзининг нозик санъати билан ҳатто хорижда ҳам ном таратган уста, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рассом, моҳир кандакор Салимжон Ҳамидовнинг илк учирма бўлган шогирдларидан бири Содиқжон Муҳсиновдир.

— Қўлимга илк бор пўлат қаламни олган кунимни эсласам, юрагим ҳаприқади, ҳаяжонга тушаман, — деб эслайди уста Содиқ. — Биз аввал устозимизнинг қоғозга оддий қора қалам билан нақш намуналарини кўчиришни, уларнинг композициясини аниқ тушуниб олишни ургандик. Нақш ўзи нималигини илғаб олдик.

Устанинг «Эртага пўлат қалам билан ишлашга ўтамиз» деган кунидаги ҳаяжонимни ўзимдан бошқа киши ҳис қилолмаса керак. Эсласам, ҳозир ҳам айнан уша ҳолга тушаман.

Устанинг ишларини бир зумгина томоша қилар экансиз, оддий мис бўлаги пулат қалам ва кичик болгача билан шунчалик нафосатли асар яратиш мумкинлигини тасаввурга ҳам сиғдиролмайсиз. Беихтиёр 1910 йилда Бухорога ташриф буюрган сайёҳ Карутанинг «амалий санъат ўзида халқ заковатининг асрлар давомида тўплаган дурдоналарини, технологик сир-асрорларини, наққошлик санъати хазинасини акс эттиради», деган сўзлари эсга тушади. Ҳақиқатан ҳам узоқ давом этадиган меҳнат туфайли юзага келадиган санъат асари ўзида халқнинг асрлар давомида тўплаган дурдоналарини акс эттиради.

Ҳозирда уста Содиқ Бухоро давлат университети талабаларига кандакорликдан дарс бериб келаяпти. Ўзининг йиллар мобайнида йиққан ижод гулларини айни саралаётган пайт...

Дилмурод ЖАББОРОВ.

КЎККА УЧГИМИЗ КЕЛДИ

Бугунги кунда болаларни турли йўналишлар бўйича маънавий етук этиб тарбиялаш давр талабидир. Унинг амалга оширилиши эса маънавий дунёмизнинг нечоғлик бойлиги билан улчанади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли республика Уқувчилар техник ижодиёти маркази йил давомида турли хил мусобақалар ва тадбирлар утказиб келади. Шундай тадбирлардан бири 1996 йил 20-23 июнь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ракетамодел мусобақасидир. Умумаҳамиятга эга бўлган бу мусобақада 12 та вилоятдан ва Тошкент шаҳри вакиллари иштирок этишди. Ҳар бир вилоят иштирокчиси ўзи тайёрлаб келган ракетамодель нусхасини кенг томошабинлар ҳукмига ҳавола этишди ва самога парвоз қилдиришди.

Мусобақа иштирокчиларининг шу йўналиш бўйича назарий билимларини синаш мақсадида тест саволлари утказилди. Ҳакамлар ҳайъати уқувчилар ишини муносиб баҳоладилар ва Самарқанд вилояти вакиллари ғолиб деб топилди.

Л. ТЎХТАЕВА.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

ЛИЦЕЙИМИЗ ШУҲРАТИ ОШАДИ

Уқув йилининг якунида шаҳар мактабларида битирув имтиҳонлари компьютерда утказилди. Политехник лицейимиз битирув — малака— ихтисос имтиҳонларида компьютер усули қўлланди. Қурувчи дурадгор-бўёқчи гуруҳлари, тикувчи лойиҳаловчи-конструктор гуруҳларида ҳам битирув малака ихтисос имтиҳонлари тажриба тариқасида компьютерда олинди. Натижалар ёмон бўлмади.

Бир неча йиллардан бери лицейимизда махсус фанлардан уқувчиларнинг билим сифатини аниқлаш учун тест-зачётлари, бир нечта ностандарт очиқ дарслар компьютердан фойдаланган ҳолда утказилаяпти. Буларнинг ҳаммаси уқувчиларнинг компьютер билан ишлашни янада яхши узлаштиришида муҳим омил бўлмоқда.

Тошкент Политехник лицейи педагог-муҳандислар жамоаси Х. Йўлдошев бошчилигида доимо изланишда. Ҳозир бозор иқтисодиёти шароитида ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам бериш мақсадида лицей қошида бизнес маркази ҳам тузилди. Бизнес марказда ўғил-қизларга қуйидаги касблар ургатилади:

Қурувчи тадбиркор (3 йил), Кенг йўналишдаги тикувчи тадбиркор (3 йил), Котиба референт (3 йил), Референт (1 йил), Кичик ва ўрта бизнес бухгалтери (3 йил), Савдо вакили (1 йил), Бюджет корхоналари учун ҳисобчи (3 йил).

Янги уқув йилидан бошлаб юқорида айтиб ўтилган мутахассисликлар бўйича уқитишни замон талаби даражасида олиб бориш учун ҳозирги кунда қизғин ишлар олиб бориляпти. Уқув хоналари сони кўпайтирилиб, кенгайтирилиб ва улар техник воситалар билан ҳамда бошқа уқув анжом ва дастурлар билан таъминланмоқда. Янги компьютерлар олинди ва алоҳида компьютер уқитиш кафедраси ҳам ташкил этилаяпти.

Ҳа, лицей жамоаси мустақилликнинг 5 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ижодий изланмоқда.

Лутфия ОДИЛОВА,
Маҳфуза МИРҲУСАНОВА,
ўқитувчилар.

Тажриба, синов, натижа

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМҚАДАМ

Узбекистонда ўрта умумий таълим концепцияси ҳужжатида «Таълимни меҳнат билан бирга қўйиш, уқувчиларни қуйи синфлардан бошлаб узларининг соғлиғи ва ёшига мос келадиган, уюшган, мунтазам, ижтимоий-фойдали меҳнатга — ҳаёт учун зарур бўлган ҳақиқий меҳнатга жалб этишни назарда тутади» дейилади.

Дарҳақиқат, мактабни битириб чиққан ёшлардан ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврини ҳисобга олган ҳолда ўз ҳаётий фаолиятларида дуч келадиган ва бажарилиши талаб этиладиган юмушлар озмунча эмас. Улар овқат пиширишдан тортиб кир ювишгача, бозор-учару ерга ишлов беришни ҳам уддалай олишлари керак. Бозор иқтисоди ана шуни талаб қилади. Иқтисодий билимлар аслида бутун ҳаётни қамраб олади. Шунга кўра, ёшларни иқтисод илмидан хабардор этиш мактаб-маориф тизимининг негизида турмоғи керак. Ёшлар уйда, мактабда ва бошқа маърифат масканларида матбуот, радио эшиттириш ва телекўрсатувлар орқали ўз дунёқарашларига тўғри келадиган ахборотларни ота-она тарбиясидан, мактабдаги таълим-тарбия жараёнидан, бошқа маърифат масканларидан тўлалигича олаётганлари йўқ. Шуларни ҳисобга олиб, ҳозирги кун талаби асосида ўрта мактаб уқув режа ва дастурларига айрим ўзгартишлар киритилгани маъқул бўлди. Узбекистон Республикаси умумтаълим мактаблари учун тақдим қилинган уқув режаси, давлат аҳамиятига эга бўлган меъёрий ҳужжат бўлиб, жаҳон таълимининг ривожланиш даражаларига, халқ таълими тараққиётининг ҳозирги кундаги вазифаларига жавоб беради. Уқув режа Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, умумий ўрта таълим фанлари бўйича қабул килинган концепциялар, умумтаълим мактаби ҳақидаги Низом, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўрсатмалари асосида тузилган.

Шу йил Бухоро шаҳрида утказилган Республика педагогик уқишларида Узбекистон халқ таълими вазири Жура Йўлдошев: «Ҳар бир даврнинг мактабга ўз талаби бўлади. Бугунги талаб — бозор иқтисодиёти шароитида яшай оладиган, ишлай биладиган ёшларни тарбиялаш... Бинобарин, уқувчиларга иқтисодий билим асосларини ургатиш таълим жараёнидаги устивор йўналишлардан. Иқтисодий билим асослари фани шу кунгача мактаб ихтиёридаги соатларда ўтиларди. Эндиликда у давлат ихтиёридаги соатларга, яъни уқув фанлари таркибига киритилмоқда»,— деди.

Навоий вилоятининг Нурота шаҳридаги мактабларо уқув ишлаб чиқариш комбинатида уқувчиларга икки йилдан бери «Иқтисодий билим асослари ва меҳнатни ташкил этиш» фани 30 соатлик режа бўйича уқитилаяпти. Уқувчилар шу фан сирлари негизи билан танишмоқдалар. Натижа ёмон бўлмаяпти, уқувчилар бозор иқтисодиёти тушунчалари, унинг шаклланиб бориш жараёни ва ҳаётга татбиқ этиш йўллари билан танишмоқдалар.

«Иқтисодий билим асослари» фани уқув режасида «Иқтисод фани нимани ургатади?», «Касб-ҳунар ургариш йўллари», «Халқ хўжалик тармоқлари», «Ишлаб чиқариш турлари» каби муаммоларни ўртага ташлаймиз. Шунингдек, «Ишлаб чиқариш ва унинг элементлари», «Корхоналар, ташкилотлар ва уларнинг тузилишлари», «Корхонанинг ишлаб чиқариш фондлари», «Агросаноат ишлаб чиқаришининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти», «Меҳнат унумдорлиги, унинг омиллари ва амалга ошириш имкониятлари» ҳам уқувчиларда баҳс-мунозара уйготадиган мавзулар бўлиб қолди.

Шу уқув дастуримиз орқали ёшлар ҳозирги кун талаби асосида бозор иқтисодиёти тушунчаларини, иқтисодий билим асосларини эгаллайдилар.

Иқтисод илми ҳаёт билан боғлиқ жараён. Уни уқувчи ўз хоҳишига кўра урганади. Бу борада уқитувчининг ҳаёт билан ҳамқадам бўлиши, таълимда ўзгариш ясашга олиб келади. Демак, бизнинг дастуримиз ўз маҳаллий шароитимиздан келиб чиққан ҳолда уқувчилар дунёқарашини кенгайтиришга озмикўпми ёрдам беради, деб ўйлайман.

Қаҳҳор РАҲМОНОВ,
Нурота шаҳридаги «Ёшларга касб ўргатиш маркази» директори,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси, олий тоифали ўқитувчи.

Иқтисод сабоқлари

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ТАРКИБИЙ (СТРУКТУРА) ЎЗГАРИШЛАРИ ВА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИБ БОРИШИ

Халқ хўжалиги деганда меҳнат тақсимоти орқали боғланган ишлаб чиқариш тармоқлари ва хўжалик шаклларининг ўзаро боғлиқ бўлган мажмуаси тушунилади. Ўзбекистон халқ хўжалиги бутун республикамиз ҳудудида жойлашган барча-тармоқлар ва корхоналарнинг ягона диалектик бирлиги бўлиб, унда такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари, ишлаб чиқариш қатнашчиларининг манфаатлари амалга оширилади. Мамлакат халқ хўжалиги маълум тузилишига эга. У ишлаб чиқариш, ижтимоий, ҳудудий ва тармоқ тузилишидан иборатдир. Халқ хўжалиги яна ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидан ҳам таркиб топади. Энг чуқур таркибий ўзгаришлар республика иқтисодиётининг тармоқлари ва айрим соҳаларини бошқариш тизимида юз беради.

Иттифоқ парчаланиб, Умуминтифоқ вазирликлари тугатилгач, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган иттифоқ ва иттифоқ-республика бўйсунувидаги корхоналар миллийлаштирилди. Бу эса уларни бошқаришни ташкил этиш муаммосини ҳал этишни кун тартибига қўйди. Муаммони ҳал этиш учун мазкур корхоналар ўз фаолият соҳаларига қараб ихтиёрий равишда давлат тармоқ концернларига бирлаштирилди. Бу нафақат ишлаб чиқариш қувватларини сақлаб қолди, балки унинг ривожланишига янги туртки бериш учун ҳам имконият туғдирди.

Корхоналарнинг иқтисодий мустақиллиги кенгайиб борган сари давлат концернлари тармоқ уюшмаларига айлантирилди. Уларнинг бошқарув аппаратлари эса ўз таркибидаги бирлашмалар ва корхонларнинг ихтиёрий равишда берган маблаги ҳисобидан таъминланмоқда.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичи мобайнида тармоқ вазирликлари уюшмаларга, концернларга, корпорациялар, иттифоқлар ва бошқа хўжалик бирлашмаларига айлантириш йўли билан батамом тугатилди. Автомобиль транспортида қурилишда, қишлоқ хўжалигида бошқарув тизими қайта тузилди.

Корхона ва ташкилотлар, қайси идорага бўйсунишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, ўз иқтисодий манфаатларининг муштараклиги асосида концернлар, уюшмалар ва корпорациялар таркибига ихтиёрий равишда кирган. Улар ўз фаолиятларини пай ва кириш бадаллари асосида, иштирокчиларнинг акциялар тўпламини (пакетини) сотиб олиш асосида йўлга қўяди.

Умуммиллий аҳамиятга эга тармоқлар ва фаолият соҳаларида, айтайлик, саёҳатчилик, транспорт, маданият, кинолаштириш тизими ва бошқаларда миллий компаниялар тузилди. Компанияларнинг бошқалардан ажратиб турувчи хусусияти шундан иборатки, улар иқтисодий жиҳатдан батамом мустақилдир. Улар ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш асосида иш олиб бормоқда, ишлаб чиқариш - хўжалик ва молиявий фаолиятига оид масалаларни мустақил ҳал қилмоқда.

Ўтиш даврида уюшмалар, концернлар, корпорациялар ва бошқа бирлашмаларнинг асосий вазифаси республика халқ хўжалигини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг аниқ турлари билан таъминлаш, ягона илмий-техникавий ва инвестиция сиёсатини утказиш, ички ва ташқи бозорлар конюнктурасини ўрганиш, тармоқда бозор муносабатларини ривожлантиришдир. Шунингдек, уларнинг вазифаси давлат корхоналари ҳамда ташкилотларини нодавлат шаклига айлантириш ишларини ташкил этиш, тадбиркорликнинг ривожланишини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, давлат мулкини хусусийлаштириш , ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш муаммоларини ҳал қилиш соҳасидаги барча ишлар жойларда амалга оширила бошлангани бозор мунбсатларини қарор топишининг муҳим жиҳатидир. Бозор ўзгаришларининг ҳудудий жиҳатлари кучайиб бормоқда. Бундай шароитда маҳаллий бошқарув органларининг ўз олдиларида турган вазифаларни бажаришдаги роли ва масъулияти ошиб бораётир. Уларнинг ички тузилиши тамомила ўзгартирилди.

Бозор муносабатлари бу сотувчи билан харидор ўртасидаги иқтисодий алоқлардир. Олди-сотди хусусида товар ва пул эгалари ўртасидаги муносабатлар юзага келадики, уларнинг конкрет ижрочиси корхона, фирма, компания, ташкилот, айрим шахс ва ҳатто давлатлар қиёфасида намоён бўлади. Бозор муносабатлари бозорнинг турларига қараб хилма-хил бўлиши мумкин. Товарлар бозори, меҳнат бозори, қимматли қоғозлар бозори, инвестиция бозори, ниҳоят интеллектуал товар бозоридаги муносабатлар. Масалан: меҳнат бозоридаги муносабатлар махсус товар — иш кучини олди-сотди қилиш борасида, қимматли қоғоз бозорида муносабатлар даромад (дивидент) келтирувчи қоғозларни пулга алмаштиришда юзага чиқади.

Бир хил айирбошлаш муносабати шахсий эҳтиёжни қондирса, иккинчи хили даромад топишни кўзлайди. Бозор муносабатлари доирасида индивидуал меҳнат сарфлари, ижтимоий зарур сарфга тенглаштирилади, меҳнат сарфи харидор томонидан тан олинади ёки эътироф этилмайди.

Бозор муносабатларининг бир қатор қоидалари мавжуд. Бозор муносабатлари; 1) Эркин, ихтиёрий ва тенг ҳуқуқли бўлиши: 2) мавжуд ташкил топган нархлар ва таърифлар асосида юзага чиқиши: 3) харидор ва сотувчи бир-бирини ўз билганича, ўз ихтиёри билан танлаб олиши: 4) бозор иштирокчиларидан бирортасининг монопол мавқега эга бўлмаслиги: 5) иштирокчилар ўртасидаги алоқалар соғлом рақобатга асосланиши лозим. Рақобат воситаси эса сифатли товарлар ишлаб чиқариш ва уларга кетган меҳнат сарфини камайтиришдир.

Бозор муносабатларининг бир қатор қоидалари мавжуд бўлиб, буларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1. Эркин, ихтиёрийлик ва тенг ҳуқуқли бўлишига амал қилади.

2. Мавжуд, ташкил топган нархлар ва таърифлар асосида фаолият кўрсатади ҳамда унга қатъий риоя қилади.

3.Харидор ва сотувчи бир-бирини ўзи танлайди ва ўз ихтиёрлари билан муносабатда бўлишади.

4. Бозор иштирокчиларидан бирортаси ҳам монопол мавқеига эга бўлмаслиги шарт.

5. Иштирокчилар ўртасидаги алоқалар соғлом, ҳалол рақобатга асосланиши зарур.

Бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга олиб келадиган рағбатлантириш ва фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш кучаяди. Умуман олганда, бозор мамлакат иқтисодиётининг энг ўткир муаммоларини ечишга имкон беради. Бозор муносабатларининг ана шундай ривожланишини таъминлаш айирбошлашнинг кенгайиши ҳисобига миллий доирадан чиқиб, халқаро алоқаларга айланади, Бозор иштирокчиларини табақалаштиришга, стихияли бозордан тартибга солинувчи бозорга олиб келади. Бозор муносабатлари маълум ташкилотлар ва давлат органлари томонидан бошқариб турилади. Бошқариш жараёнида ҳозирги замон электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ), такомиллашган компьютерлар, телекс, телфакс, товарлар картотекаси каби воситалардан фойдаланилади. Бозор муносбатларини амалий ташкил этишда бозор ҳақида тўлиқ тасаввур берадиган объектив маълумотлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Бозор - сотувчи билан харидор ўртасида маҳсулотларни пулга айирбошлаш муносабати бўлиб, у товар ишлаб чиқариш ва товар-пул муомаласи қонунларига асосан амалга оширилади. Бозорда турли-туман товарларни айирбошлаш объекти бўлади. Бу ерда иштирок этувчи субъектлар эса сотувчилар ва харидорлардир. Сотувчи ваколатини олган шахс, корхона ёки ташкилот бўлса, харидор бу истеъмолчи ёки ишлаб чиқариш учун керакли товарларни сотиб олувчи бўлади. Бозорнинг энг муҳим шарти айирбошлангандан пулнинг воситачи бўлишидир. Бозорда товар муомаласи юз бериб, у икки жараённинг биргаликда боришини билдиради. Бозорда товар пулга алмашади (Т— П), яъни товарни сотиш юз беради, айни вақтда пул товарга алмашади (П— Т), яъни товар харид этиш келиб чиқади. Олди-сотди бозордаги яхлит муомаланинг икки томони бўлганидан, унда сотувчи ва харидорни иштирок этиши муқаррардир.

Сотувчилар ва харидорларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари бозорни келтириб чиқаради. Бозор эса бу ўринда уларни бирлаштирувчи механизм бўлади. Бозордаги олди-сотди муносабатларининг объекти хилма-хил товарлар бўлиб, улар таркибига истеъмол товарлари, ишлаб чиқариш воситалари бўлган товарлар, яъни моддий ресурслар, иш кучи, ер-сув, бино -иншоот, пул капитали, қимматбаҳо қоғозлар, ақлий меҳнат маҳсули бўлган товарлар, ҳар хил ишлаб чиқариш учун ва истеъмолчига кўрсатиладиган хизматлар киради. Ишлаб чиқариш қанчалик ривожланган бўлса, бозор объектлари шунчалик кўп ва хилма-хил бўлади. Ҳозирги ривожланган мамлакатларда бозор оборотига деярли 25 млн. хил товар ва хизматлар келиб туради.

Сотувчилар ва харидорлар бозор муносабатларида турли вазифани бажарадилар. Сотувчилар - бозордаги товар ва хизматларни таклиф этувчи фирма, корхона ёки айрим ишлаб чиқарувчи, иш кучи, ер-сув, машина-ускуна, бино-иншоот эгаси, пул капитали, қимматбаҳо қоғозлар ва валюта соҳибларидан иборат бўлиб, улар ўз товарларини сотадилар ёки ижарага берадилар. Харидорлар эса кенг қатлам истеъмолчилардан иборат бўлиб, улар бозорга ўз талаб эҳтиёжи ва пули билан чиқадилар. Харидорлар оддий истеъмолчи фуқаролар, ресурслар олувчи ва иш кучини ёлловчи тадбиркорлар, давлат идоралари, жамоат ташкилотларидан иборат бўлади. Айирбошлаш миқёси жиҳатидан маҳаллий, ҳудудий, миллий ва дунё бозори, ички ва ташқи бозорлар мавжуд.

Бозорнинг ривожланганлигини унинг ҳажми белгилайди. Меҳнат тақсимоти нақадар чуқур ва ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик катта бўлса, бозор ҳажми ҳам ортиб боради. Унинг ҳажми олди-сотди миқдори, яъни товар оборотининг ҳажми билан ўлчанади. Айирбошланадиган товар ва маҳсулот миқдори авваламбор уларнинг нархига боғлиқ бўлади. Нарх ўзгармаган тақдирда бозор ҳажмининг ортиб бориши ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келади. Амал қилиш ҳарактери жиҳатдан бозор уч хил бўлади. Тартибсиз «стихияли», планли (режали) ташкил этилган ва ниҳоят тартибга солиб турувчи бозор.

Бозорнинг тартибга туширилиши жамият ва давлат томонидан амалга оширилади. Махсус тадбирлар ва иқтисодий дастаклар ёрдамида бозорга фаол таъсир этиш, уни маълум мақсад йўлида ривожлантиришга эришиш ҳамма даврларда ҳам ниҳоятда муҳим саналган. Бозорни тартибга туширишда воситалари турқумига давлатнинг товар ва хизматлар яратишни кўпайтиришни мўлжалланган дастурлари, нархларнинг юқори чегарасини белгилаш, корхоналарнинг барқарорлигини таъминлаш, нархларининг ошиб кетишидан келган фойдани солиқлар орқали жамият ихтиёрига яъни бюджетга олиш, товарни бозорга чиқариш ёки чиқармай туришни таъминлаш учун товар ишлаб чиқарувчиларга давлат ҳисобидан субсидиялар беришдир. Шу туркумга яна қимматликдан аҳоли кўрган зарарни қоплаш учун (ижтимоий ҳимоя учун) компенсация бериш, инфляцияга қарши чоралар, бож тўлашларни ўзгартириб туриш орқали товарлар экспорти ва импортига таъсир этиш ҳам киради.

Бозорни тартибга тушириш, албатта, бозор қонунларидан келиб чиқиши, уларни ҳисобга олиши шарт. У бозорда мувозанатни таъминлашга қаратилади. Чунки бусиз илдам иқтисодий ўсиш юз бермайди.

Нутфулло ХЎЖАЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

ТАЛАБАЛИККА ТАЛАБГОРЛАР УЧУН!

(Боши 1-бетда).

картон қоғоз устига қўйгандан сўнг варақани тўлдиришни бошланг;

— жавоб доирачаларини осойишталик билан тўлдиринг, доирача чегарасидан чиқиб кетманг, оч бўяб қўйманг;

— буяётганда эҳтиёт бўлинг, барча доирачалар бир текисда (хиралиги бир хил бўлиши) бажарилиши лозим, варақ йиртилиб ёки тешилиб кетмасин;

— варақни букламанг, четларини қайирманг ва ҳар хил белгилар қўйманг;

— жавобларни тўлдираётганда саволлар блокларини адаштириб юборманг;.

— жавоб варақангизни бошқа абитуриентларга кўрсатманг.

ТЕСТ СИНОВЛАРИ ВАҚТИДА АБИТУРИЕНТЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.

1. Тест ўтказиладиган куни абитуриентлар институт биносига ва аудиторияларга Рухсатнома, Паспорт, Титул варағини кўрсатганларидан кейин қўйилади.

2. Абитуриент ёнида кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручка бўлиши шарт. Чунки жавоблар варақасига, саволлар китобчаси, Титул варағи ва Рухсатномадаги барча ёзувлар ва бўяшлар кўк пастали шарикли ручка билан бажарилади.

3. Тест бошланиши олдидан абитуриент ўз жавоб варақасининг номерини Титул варағига ва Рухсатномага кўчириб ёзади.

4. Тест синовлари пайтида абитуриентнинг қандай сабаб бўлишидан қатъи назар аудиториядан чиқиши таъқиқланади. Аудиториядан чиққанлар қайтадан тест синовларига қўйилмайди.

5. Тест синовлари чоғида аудиторияда синовни ташкил қилувчи шахсларга савол беришга рухсат берилмайди.

6. Тест синовлари давомида абитуриентларнинг бир-бирлари билан гаплашиши, жавобларни бериши, тест материалларини узатиши, ортиқча ручка сўраши ва бошқалар тақиқланади.

7. Тест чоғида ҳисоблаш линейкаси, микрокалькулятор, луғат, жадвал, ёзув китобчаларидан фойдаланиш тақиқланади.

8. Тест ҳужжатларидан нусха кўчириш ва бунда бошқаларга кўмаклашиш тақиқланади.

Диққат! 6-, 7-, 8—бандларга риоя қилмаган ва синов чоғида интизомни бузган абитуриентлар учун белгиланган намунада далолатнома тўлдирилади, улардан тест материаллари олиб қўйилади ва аудиториядан чиқариб юборилади.

9. Абитуриент, аввало, Саволлар китобчасида тўғри деб ҳисоблаган жавобларни белгилайди ва шундан кейин Жавоблар варақасидаги саволларга мос келадиган доирачаларни буяйди. Бунинг учун тестга ажратилган вақтдан ташқари яна 20 дақиқа вақт берилади.

Ёдингиздан чиқарманг. Жавоблар варақаси абитуриент баллари йиғиндиси аниқланадиган ягона ҳужжатдир.

10. Тест саволларига жавоб танлашни ва жавоблар варақасида белгилашни ажратилган вақтдан илгари тугатган абитуриент, тест материаллари учун ажратилган столнинг ёнига келиб, саволлар китобчасини қутичага, жавоблар варақаси ва титул варақасини эса унинг ёнига қўйиб, гуруҳ, қайдномасидаги фамилиясининг тўғрисига топширилган вақтини кўрсатиб имзо чекади.

11. Тест синовлари учун ажратилган вақт тугагач, аудитория раҳбари тест синовларининг тугаганлигини эълон қилади. Абитуриентлар бир вақтнинг ўзида ўринларидан туришади, тартиб билан кейинги парталардан бошлаб тест материаллари учун ажратилган столнинг ёнига келишади, саволлар китобчасини қутичага, жавоблар варақаси ва титул варақасини эса унинг ёнига қўйиб, гуруҳ қайдномасидаги фамилияларининг тўғрисига топширилган вақтни кўрсатиб имзо чекишади.

12. Тест синовлари тугагандан сўнг абитуриент Рухсатнома ва паспортини олиб аудиториядан чиқади.

АБИТУРИЕНТГА ЭСЛАТМА

(олий ўқув юртлари учун)

Абитуриент ўқув юртининг қабул комиссиясига, Ўзбекистон Республикасидаги ўқув юртларига 1996—97 йил қабул қоидалари асосида расмийлаштирилган, қуйидаги ҳужжатларини топширади.

— олий ўқув юрти ректори номига ариза;

— ўрта умумий таълим мактаби ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (ўрта таълим ҳақида аттестат ёки диплом);

— 3х4 ўлчамли 6 та фотосурат;

— 086/У — шаклдаги тиббий маълумотнома;

— паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақида ҳужжат (шахсан абитуриент томонидан кўрсатилади).

Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига талабаликка қабул қилиш тест синовлари асосида амалга оширилади.

Кундузги ва сиртқи таълим бўйича абитуриентларни тест синовларидан ўтказиш, ўқув юртларига қабул қилиш «НИЗОМ»ига асосан, тест синовлари ўзбек, қорақалпоқ (Қорақалпоғистон Республикаси учун) ва рус тилларида, Ўзбекистон ҳудудларининг барчасида Давлат тест маркази томонидан белгиланган бир кунда ва бир вақтда, яъни 1. 08.96 й. кундузги бўлимлар учун ва 10.08.96 й. сиртқи бўлимлар учун ўтказилади.

Тест синовлари ўтказиш арафасида ўқув юртларининг қабул комиссияларида абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхатлари, бу гуруҳларнинг корпуслар ва аудиториялар бўйича жойлашиш тартиби ва жойлаштириш чизмаси (схемаси) олдиндан эълон тахтасига илиб қўйилади. Абитуриентларга, ҳужжатларини топширганларидан сўнг, гуруҳ № кўрсатилган рухсатнома ва титул варақаси берилади. Абитуриент чизмани диққат билан ўрганиб, тест синовлари учун зарур бўлган бинонинг номи (қаерда жойлашганлиги), аудитория номери, қайси қаватда эканлиги ва бошқа керакли маълумотларни эслаб қолиши шарт.

Тест синовлари ўтказиладиган куни, абитуриентларни бино ичкарисига киритиш эрталаб соат 7.30 дан бошланади ва 30 дақиқа давом этади. Кириш олдида абитуриентлар навбатчиларга рухсатнома, титул варақаси ва паспортини шахсан кўрсатиши шарт. Соат 8.00 дан сўнг кечикиб келганлар қандай сабаб бўлишидан қатъи назар тест синовлари ўтказилаётган хоналарга киритилмайдилар. 8.00 дан бошлаб абитуриентлар ўз гуруҳлари номери билан бир хил номерли аудиторияга кирадилар.

8.30 да аудиторияга киритиш тўхтатилади, аудиториялардаги столларнинг устида жавоблар варақасининг остига қўйиш учун картон қоғози қўйилган бўлади.

Тест синовлари бошланишидан олдин қуръа ташлаш бўйича танланган белгиланган жойларни эгаллаганингиздан сўнг сизларга ичига жавоблар варақаси солинган саволлар китоби тарқатилади. Сиз тўлдирган жавоблар варақаси, билимингизни баҳолашда асосий ҳужжат деб ҳисобланади. Уни тўлдиришда хатоликка йўл қўйманг!

Тест синовлари бошланишидан олдин ўз «Рухсатнома» ва «Титул варақаси»нинг тегишли жойларига кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручка билан сизга тарқатилган жавоблар варақасининг (4) блокидаги номерини кўчириб ёзинг. Титул варақасига жавоблар варақасининг номерини ёзмаган абитуриент тестга қатнашмаган деб топилади ва унинг шикояти инобатга олинмайди.

Жавоблар варақасидаги матнни синчиклаб ўрганиб чиққанингиздан сўнг, унинг мос блокларини тўлдиришга (титул варақасидан кўчирилади) ўтишингиз мумкин. Жавоблар варақасининг матнида келтирилган барча кўрсатмалар бажарилиши шарт.

Абитуриент томонидан белгиланган жавоблар варақаси оптик қурилмаларда ўқилади ва натижалари компьютерларда таҳлил қилинади, шу сабабдан қуйидаги талабларга қатъий риоя қилиш жуда муҳимдир:

1) ўқув юрти номи ва танланган ихтисослик абитуриентнинг дастхати билан жавоблар варақасининг (1) блокига тўлдирилади (фамилия, исм, отасининг исми ёзилмайди, имзо чекилмайди);

2) код билан вилоят, туман, шаҳар, шаҳар тумани, 1-ўқув юрти (мақсадли қабул билан кирувчилар эса 2-ўқув юрти устунини) ихтисослик ва мактаб номери, ижодий имтиҳон бали кўрсатилади — (2) га;

3) абитуриентга тушган вариант жавоблар варақасида кўрсатилади ва унга мос саволлар китобчаси берилади. Шунинг учун жавоблар варақасининг (3) блокига абитуриент томонидан ҳеч қандай белги ёки ёзув қўйилмайди, акс ҳолда абитуриентнинг тест натижалари бекор қилинади;

4) 4 блокдаги номер тагидаги доирачаларга ручка теккизманг;

5) жавобларни тўлдириш жараёнида (китобчадан жавоблар варақасига кўчириш) — саволлар блокларини (I—IX) чалкаштириб юборманг;

6) жавоблар варақасида керакли бўлган ёзувлар ва доирачаларни буяш фақат кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручка воситасида бажарилиши керак, жавоблар варақасини ўқийдиган қурилманинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қалам ёки бошқа рангли ручка ишлатиш қатъиян ман қилинади. Буяш доирачадан четга чиқмасдан ва барча доирачалар бир текисда (хиралиги бир хил бўлиши) бажарилиши лозим. Жавоблар варақасининг доирачаларини тўлдириш намунасига қаранг.

тўғри тўлдириш	нотўғри тўлдириш
●	⊠ ⊙ ○ ☿

Жавоблар варақасини ғижимлаш, четларини букиш, ҳар хил хираликда буяш, турли белгилар қўйиш мутлақо мумкин эмас, чунки булар ЭҲМнинг оптик қурилмаларида ўқитилганда салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари (1) блокнинг чап томонидаги ичига 1 рақами ёзилган доирачани қиз болалар кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручка билан буяйди, ўғил болалар эса бўямайди. (2) блокдаги ичига 2 рақами ёзилган доирачани биринчи марта тест топшираётган абитуриентлар буяйди, бошқалари эса бўямайди.

Ҳар бир абитуриент фақат битта олий ўқув юрти (ҳужжат топширган) кириш имтиҳони ва танловида иштирок этиши мумкин.

Жавоблар варақаси (2) — блокида ихтисослик коди, тегишли равишда керакли сонларни буяш билан белгиланади. Бу ерда ихтисослик коди қуйидагича кўрсатилади. Масалан, жадвал бўйича «Математика» коди Х001,Х нинг ўрнига

ўзбек гуруҳлари учун	**-1**	**(1001);**
рус гуруҳлари учун	**-2**	**(2001);**
қорақалпоқ гуруҳлари учун	**-3**	**(3001);**
— муддатли ҳарбий хизматни тугатиб, ҳарбий қисмларнинг тавсияномаси билан келган:		
ўзбек гуруҳлари учун	**-4**	**(4001);**
рус гуруҳлари учун	**-5**	**(5001);**
қорақалпоқ гуруҳлари учун	**-6**	**(6001);**

Биринчи ўринда ижодий имтиҳон (ихтисослик бўйича) топшириши керак бўлган ихтисосликларга кирадиган абитуриентлар, жавоблар варақаси (2) блокининг мос жойида шу имтиҳондан олган балларини кўрсатадилар. Бунинг учун, (2) блокнинг катакчаларига қабул комиссияси томонидан титул варақасига қўйилган балл миқдори кўчирилади ва пастдаги мос доирачалар буялади. Агарда абитуриент ижодий имтиҳондан 100 баллдан кам баҳо олган бўлса, кодлаш (0) дан бошланади. Масалан, абитуриент 72 балл тўплади дейлик, ундай ҳолда ручка билан ижодий имтиҳон балини 072 деб кодлаши керак. Бу ерда, хатоликка йўл қўймасдан, аниқ балл миқдорини кўрсатиш жуда муҳимдир. Агарда абитуриент атайлаб ёки бехосдан балл миқдорини ўзгартирса ва қайдномаларни текшириш буни тасдиқласа, унинг тест бўйича олган барча натижалари, қандай юқори балл олган бўлишига қарамасдан бекор қилинади. Эслаб қолинг — 28 июлга қадар кирувчилар эътиборига ихтисослик бўйича ижодий имтиҳонлар натижалари қайдномалари осиб қўйилади.

0	7	2
●	0	0
0	0	0
0	0	●
0	0	0
0	0	0
0	0	0
0	0	0
0	●	0
0	0	0
0	0	0

Вариант саволлар китобчасининг муқовасида ва ҳар бир варақнинг юқори қисмида кўрсатилган. Китобчадаги вариант номери билан жавоблар варақасида кўрсатилган вариантнинг номери бир хил бўлиши жуда муҳимдир, акс ҳолда тест натижаси бекор қилинади.

Саволлар китобчасида жавобларни белгилашдан аввал, ўзингиз ҳақингизда тегишли маълумотларни кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручка билан китобнинг муқовасига ёзинг. Ф. И. — Ш. , жавоблар варақаси № ва бошқалар аниқ, тоза ва саводли равишда қисқартиришларсиз кўрсатилиши шарт.

Китобчадаги ҳамма блокларда 36 тадан саволлар келтирилган, ҳар бир саволга 5 тадан (А,В,С,Д,Е) жавоблар берилган бўлиб, улардан фақат битта тўғрисини абитуриент китобчада белгилаб, кейинчалик жавоблар варақасига ўтказиши керак.

Жавобларни танлаш учун 108 та саволга 3 соат вақт ажратилади. Берилган саволлар ҳар хил мураккаблик даражасига эга. Вақтингизни шундай тақсимлашингиз керакки, ҳамма саволларга жавоб топишга улгуринг. Саволларга жавоб танлашингизда, ишни нисбатан енгил саволлардан бошлаб, сўнгра мураккаброқ саволларга ўтишингизни тавсия қиламиз. Агарда бирон саволга жавоб беришда қийналиб қолсангиз, эътиборингизни фақат шу саволга қаратмасдан, бошқа саволларга жавоб излашга ўтишни ва барча топшириқларни бажариб бўлганингиздан кейин бўш вақт қолса, яна ўша саволга қайтишингиз мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Саволларга жавоб бериш тартиби — ихтиёрий, асосийси абитуриентларнинг танлаган жавобларини жавоблар варақасининг тегишли блокига чалкаштирмасдан кўчиришларидир, масалан, саволлар китобчасининг она тили ва адабиёти бўлимида танлаб олинган жавоблари, китобча устида ишлаш тугагач жавоблар варақасининг 1 блокига тартиб рақами қатъий риоя қилинган ҳолда кўчирилиши лозим.

Агар абитуриент битта саволга иккита ёки бир нечта жавобни белгиласа ушбу саволга баҳо берилмайди.

Жавобларни белгилашда жуда эҳтиёт бўлиб ишлаш керак, агар жавоблар варақасининг тагига картон қоғози қўйилмаса, тешикча пайдо бўлишига ёки доирачанинг бузилишига олиб келади, бу эса чиқариладиган натижага салбий таъсир этиши мумкин.

Тест саволлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган, амалда қўлланилаётган мактаб дастурлари асосида тузилади ва барча ўқув юртлари учун бир хилдир.

(Давоми бор).

ДТМ.

Бухоро вилояти Бухоро туманидаги 19-мактаб-боғча жамоаси имкон қадар ўз майдонидан илм маскани моддий базасини мустаҳкамлашда фойдаланмоқда.

Сиз суратда кўриб турган ўқитувчи, ўқувчи — асаларичилар етиштираётган асал нафақат мактаб, балки ўқувчилар, ўқитувчилар белига ҳам қувват бўлмақда.

ЗАМИН МУСАФФОЛИГИ УЧУН

Бугунги кунда Орол денгизини асраб қолиш экологиянинг муҳим муаммоларидан биридир. Албатта, онатабиатга етказилган зиённинг ўрнини тўлдириш учун эҳтимол ўн йиллар керакдир. Аммо, амалий тадбирларсиз иш битмайди. Шу соҳа мутахассисларининг фикрларига қараганда, ҳозир денгизнинг қуриган тубидан ҳар йили ҳавога миллион-миллион тоннадаб заҳарли туз чанги кўтарилмоқда ва чанг-тўзон булутлари узоқ масофаларга ҳам етиб бормоқда. Тузли чанг булутлари. Помир, Тянь-Шань, Олой музликларига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ўтган йилнинг 18-20 сентябрь кунлари БМТ тиштирокида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган Орол муаммосига бағишланган халқаро анжуман бу йўлда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Яқинда Тошкентда Халқаро экологик ва саломатлик «Экосан» жамғармасида оммавий ахборот воситалари ходимларининг ижтимоий-экологик муаммоларини ечишдаги роли мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг таникли олимлари, оммавий ахборот воситалари журналистлари, экология бўйича иш олиб борувчи давлат ва жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Давра суҳбатида Нукус халқаро анжумани самаралари-га, унда қабул қилинган қарорлар, белгиланган режаларга ижобий баҳо берилди. Хусусан, Ўрта Осиё экосистемаларининг табиий жиҳатдан эҳтимоллий ўзгаришларни кўра билиш зарурлиги ҳақидаги фикрларга тўхталиб ўтилди.

Давро суҳбати жамғарма президенти Юсуф Шодиметов олиб борди. У ўз нутқида жумладан шундай деди:

— Бугунги кунга келиб олдимизда экологик маърифатни нимадан бошлаш керак, деган савол кўндаланг бўлиб турибди. Энг аввало — тарбия ва таассурот муҳим. Жуда кўп нарсалар бизнинг экологик маданиятимиз, билим ва идрокимизга ҳам боғлиқ бўлиб қолган. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз. Аввал бошдан экологик тарбияни инсон боласи онгига ёшликдан сингдириб борилса, нур устига аъло нур бўларди. Яқин вақт ичида ҳал этилиши керак бўлган энг муҳим иш энологик саводсизликни тугатишдир.

Шунингдек, давра суҳбатида «Экосан хабарлари» газетасини чоп этиш ҳамда оммавий-ахборот воситалари журналистлари билан келажакда алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳақидаги таклифлар ўртага ташланди. Бу таклиф йиғилганлар томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Йиғилиш сўнгида халқаро экологик ва саломатлик «Экосан» жамғармаси раиси Юсуф Шодиметов экология мавзуси бўйича республика қўрик-танлови голиблари бўлган журналистларга қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

ВАТАННИ ОБОД ЭТИШ ОЛИЙ МАҚОМ ФАРЗ

Йўлдош СУЛАЙМОН

ЎЗБЕКИСТОН — ИШҚИЙ ДОСТОНИМ

Истиқлолим етди муборак ёшга
Ул дили қоралар урилар тошга
Ҳумо қуши қунди бутунлай бошга,
Эгиз бўлиб олдик энди қуёшга!

Дилрабо Тошкентим, шоним пойтахтим,
Гуллаётда, яшнаётда ҳамиша шаҳдим.
Буюк давлат барпо этишдир аҳдим,
Қўлимда қурашиб эришган бахтим!

Фарғонажон, жоним— туғилган уйим,
Самарқанд дунёга қўринган бўйим.
Бухоро, Хоразм энг оқил уйим
Қарши, Термиз, Нукус даъваткор қуйим!

Янгиланиб кетди ҳаёту замон,
Сарбонимиз бошлар саодат томон—
Дунёга дарбоза очар у ҳамон,
Ҳаммадан ўтармиз бош бўлса омон!

Мардлигу вафога, юртим, жонсан сен,
Ғайрату ҳиммата асли консан сен.
Меҳру муҳаббатдан яралгансан сен,
Қўшиқ бўлиб дилдан таралгансан сен!

Кўзларни чақнатар боғу бўстоним,
Сен ўша ўз уйим — қутлуғ остонам.
Саховатда тенгинг йўқдир ростдан ҳам,
Ватаним, эй, Йўлдош, ишқий достоним!

УЙҒОҚМИЗ

Илтижомиз, арзимиз етиб, шукур, Оллоҳ,
Лаънатланди босқинчи, нураб кетди истило.
Ўша кунлар қайтмасин бошимизга ҳеч, илло,
Ассалому алайкум, қулиб турган Истиқлол!

Беҳудага кетмади курашимиз, оҳимиз,
Озодлик қучоғига олиб келди роҳимиз.
Орзумиз, қудратимиз, қуёшимиз, моҳимиз —
Боболарнинг тупроғи ягона паноҳимиз.

Энди тамом уйғоқмиз, ораламас ҳеч ҳадик,
Янги ҳаёт қуришга ўзимизни чоғладик.
Муҳаббатнинг камарин белга маҳкам боғладик,
Дўстларни суюнтирдик, душманларни доғладик!

Қўнгилда «Ҳуббул Ватан минал иймон» азиздир,
Тенглигу эркинликда яшаган он лазиздир.
Халқига хизмат қилиш ҳар фарзандга қарздир,
Ватанни обод этиш олий мақом фарздир!

Қўлни қўлга беришсин турк қавмин ҳар уруғи,
Бири-бири биландир уларнинг бори-йўғи.
Чарақласин қуёшдай қардошлик йўл-йўриғи,
Яхшиликдан қўкаради яхшиликнинг уруғи!

Халқимиз азалидан ҳалолликнинг уйғуни,
Она сути сингдирган ан шундай туйғуни.
Дилга олиб, эй, Йўлдош, эътиқоднинг чўғини,
Кўтарамиз баландга Ўзбекистон туғини!

ВАТАН НЕДИР

Она Ватан қўлим билан қурган уйим,
Дил-дилимдан сизиб чиққан дардли куйим,
Бутун дунё кўриб турган бори бойим,
Жасорату орзу-умид, уйлар уйим.
Қоронғуда нурнинг қадри билинади,
Элсиз қолган ич-ичидан силинади.
Бундан ортиқ қора куну бахтсизлик йўқ,
Юрак-бағри аёв билмай тилинади!
Томиримда Ватан қони уриб турар,
Фидойилик нима ўзи кўриб турар.
Карвонимиз улуғ йўлдан илдам борар,
Чидолмасдан баъзан итлар хуриб турар.
Ватан недир — билмас фақат қалби санглар,
Шунинг учун ҳолу тангу ҳангу манглар.
Қутлуғлигин англар кимки — ўзин англар,
Ҳаётни эркалар яна ишқий ранглар!

У ҳамиша уйғоқ бўлган ақлу ҳушим,
У унгиму уйқумдаги ширин тушим.
У ҳар куни бориб-келиб турган ишим,
Осмонимда қанот қоқиб юрган қушим,
Ватаним — отамдир, узимнинг онамдир,
Ёримдир, оримдир, боримдир, боламдир.
Бобомлар, момомлар тан-жони қоришган
Муқаддас тупроқдир, улғайган хонамдир.
Йигитлик ғайратим, қисматим шаъним,
Ишқўй муҳаббати, яшашимдан маъни! —
Эй, Йўлдош, отажон-онажон Ватанинг —
Олган нафасингу ширин жону танинг!

АСЛО ЁЛҒИЗ ҚОЛМАЙМАН

Атрофимни ўрасада
Худбинлик кину риё,
Ишонишмай, яқинларим
Боқмасин, майли, қиё.
Аммо улар даврасидан
Ўзни четга ололмайман.
Адашмайин йўлдан, ё раб,
Асло ёлғиз қололмайман!
Нигоҳлару сўз тинглашдан
Ортиқ ҳадя йўқдир менга.
Бошга нелар тушмас ахир;
Ҳаммасини севги енгган!
Хилват манзил бўлолмайди,
Чиққунича жон танидан.
Ҳатто аъло турар дўзах
Ёлғизликнинг Ватанидан!

Хулосаларимиз...

САЁҲАТЧИ ҚУРБАҚАЛАР

Бутун Фарангистонни кесиб ўтадиган янги темир йўлнинг лойиҳачилари биологлардан ёрдам сўраб қолишди. Чунки поездларга қурбақалар хавф солянти. Гап шундаки, темир йўл 150 дан ортиқ ботқоқлик ва ҳавзалардан ўтади. Қурбақаларнинг кўчкинчилиги темир изларнинг «шалаббо»сини чиқармоқда.

Биологларнинг фикрича, бу вазиятдан чиқишнинг биргина йўли бор: жониворларни бошқа ерга кўчириш. Бу жараён бошлаб ҳам юборилди. Ўрмон ичида ҳовуз кавланиб, 500 дан ортиқ қурбақани «янги макон»га кўчиришди. Бироқ тажриба ижобий натижа берадимийўқми, уни вақт кўрсатади.

БИТИМ ЭНДИ ИМЗОЛАНДИ

Яқинда Мадрид шаҳрида имзоланган тинчлик тўғрисидаги шартнома 187 йил давом этган урушга нуқта қўйди. Шартномани Франция ва Испаниянинг Мостолес шаҳри вакиллари имзолашди. Маълум бўлишича, Наполеон қўшинлари 1808 йилда Мадридни қамал қилишган пайтларида эрксевар Мостолес аҳли унга қарши уруш эълон қилган. Ва то шу пайтгача расман тинчлик ҳақида шартнома имзоланмаган экан.

ЎҒРИНИНГ ИЗИ ХАЗИНАГА ТУТАШ

Венгриянинг Кёхидкуштан қишлоғидаги товуқ ва қушларга бирин-кетин ўғри туша бошлади. Кўп уринишлардан сўнг қўли (тўғрироғи оёғи) эгриларнинг изи топилди. Булар қоқонларга чап бериб юрган иккита тулки экан. Уларнинг кетидан тушиб, уясини осонликча топиб олган қишлоқликлар белкураклар билан кавлай бошлашди. Ва бешўн дақиқадан сўнг темир парчаларининг шувури эшитила бошлади. Кейин аниқланишича бу «темирлар» (эски қилич, тилла тақинчоқлар, ёйлар) VII асрга мансуб жиҳозлар экан.

ЗУККО АСАЛАРИЛАР

Асалариларни меҳнаткаш сифатида ҳаммамиз биламиз. Американинг Монтана штати университети мутахассисларининг таъкидлашича, улар зукко ҳам бўлишаркан. Олимлар асаларидан ҳатто экология йўлида фойдаланиш ҳам мумкин, дейишмоқда. Билгичларнинг хулосасига кўра, нектардаги, асалдаги зарарли моддалар миқдори асалари «ишлаётган» ҳудуднинг ифлосланиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Шуниси диққатга сазовор эканки, асбоблардан кўра юқоридагилардан экологик даражани аниқлаш осон кечармиш.

ана шунақа гаплар.

ЖАРҚИШЛОҚДА ИККИ МАНЗАРА

(Боши 1-бетда).

Оромгоҳда турли-туман тўгараклар, спорт мажмуалари фаол ишлаб турибди. Кутубхона, маданият саройи, ўқиш зали болалар ихтиёрига топширилган. Оромгоҳ жамоаси олдидаги энг муҳим вазифалардан бири болалар саломатлигини тиклашдир. Шунинг учун ҳам бу ерда тиш касалликларини даволаш, фельдшерлик, врачлик ҳамда физиотерапия муолажалари хизматлари талаблар даражасида ташкил этилган. «Ҳозирга қадар мавжуд 625 нафар болани тиббий назоратдан ўтказдик, — дейди врач Ғайрат Ҳусаинов. — Шу кунгача 91 нафар бола тиш хасталиклари бўйича, 121 бола ички касалликлар бўйича даволандилар...».

Оромгоҳда миллий қадриятларимизни тиклаш, юртимизга меҳр-муҳаббат туйғуларини ўстириш ва бошқа қизиқарли мавзуларга оид кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда, табиат қучоғига саёҳатлар уюштирилмоқда.

2. МЕН ЁЗМАЙ, СИЗ ЎҚИМАНГ

Ўша Жар қишлоғида, Майна Ҳасанова номли оромгоҳнинг ёнгинасида дарвозаси пештоқига исми шарифи ҳам битилмаган яна бир оромгоҳ бор экан. «Келинг, шу оромгоҳни ҳам бир кўриб кетайлик» — дея исмсиз ва қоровулсиз дарвозадан ичкарига кириб, катта-кичик бинолар томон юрдик. Биноларнинг бири олдида 5-6 нафар аёл ва эркаклар, тахтадан ясалган тўшаксиз «майиб» чорпояда омонаттина ўтиришиб, ўзаро гурунглашиб туришибди. Бино деворининг бир бурчагида рангдори ўчиб қолган тахтадаги ёзувга кўзимиз тушди: «Қашқадарё вилояти, халқ таълими ходимларининг «Яккабоғ» дам олиш уйи». Оромгоҳ атрофи, йўлкалар супуриб-сидирилмаган, ҳовли сатҳига бирорта ҳам ёзув ва чақириқ, шиорларга кўзимиз тушмади...

Рўпарадаги бир хонали кичкинагина уйчадан 50 ёшлар чамасидаги бир киши чиқиб келди. Саломлащдик. Бу киши оромгоҳ директори Қиём ака Эргашев эканлар. Биз ўзимизни таништириб, ҳужжатимизни кўрсатдик. Бизнинг ташрифимиз директорга ёқмаганлиги у кишининг юзкўзидан шундоққина сезилиб турарди. Бир оз «серрайиб» тургач, биз ўзимиз тилга кириб, директордан хоналарига «таклиф» қилишларини сўрадик. «Менинг алоҳида хонам йўқ, — деди оромгоҳ директори, — ҳисобчимизнинг кичкинагина хонаси бор, шу ерга кирамиз». Ҳалиги кичкинагина деб таърифлаган хонага кирдик. Хонада битта стол, унинг устида битта чўт ва яна 2 та ўтирғич бор. Бўлди — вассалом. Бошқа нарса йўқ. Бошқа нарса қўйишга тўртта деворнинг сатҳидан бошқа бўш жой ҳам йўқ.

— Шу хонада ҳисобчи билан иккаламиз ишлаб турибмиз, — деди Қиём ака. — Тўғриси, бизда хона кўп, бироқ жиҳоз етишмайди. Ҳомийларимиз ёрдам қилишмаяпти...

Директор тўлиб кетган юрагини энди бўшатаётган ҳам эдики, бизнинг қўлимиздаги кичиккина товуш ёзиб олиш аппаратимизга кўзи тушиб қолди-ю, «дийдиё»сини келган жойида тўхтатди. Хона ва залларни кўздан кечирдик. Дам олувчилар асосан битта бинога жойлаштирилган экан. Ушбу бинонинг ҳам залидан тортиб хоналаригача деворлари «яп-ялғоч». Муаллимлар оромгоҳи ҳам шундай бўладими? Ҳайрон қолдик. Ахир бу ерга зиёкорлар, маърифатчилар ташриф буюришади-ку? Ҳатто намунага бирор дона ҳам қоғоз ёки ёзув йўқ. Бир пайтлар қурувчилар қандай қуриб топширган бўлса, худди шундайлигича турибди. Зал ўртасида ягона телевизор бор, холос.

Биз кутубхона ва ўқиш залини кўриш истагимиз борлигини айтдик. «Кутубхонамиз ҳам, ўқиш залимиз ҳам ҳозирча йўқ». Энди ташкил қилмоқчимиз. Шундай дейману, китобни қаердан оламан, ким маблағ беради, билмайман...».

Қизиқ бир гап бўлди-ку, оромгоҳ директори билмаган нарсани дам олувчилар-у ва яна биз қаёқдан билайлик. «Дам олувчи муаллимлар газета ва журналларни қаердан олиб ўқишади?» — сўрадик биз. Директор шундай жавоб қилди. «Ҳозирча шу нарса оромгоҳимизда ташкил этилмаган. Рости, биттаям газета-журнал олмаймиз. Дам олувчилар ҳам сўрашаяпти, энди бир амаллаб топиб келамиз...».

Дам олаётган муаллим ва тарбиячилар билан суҳбатлащдик. Уларнинг деярли барчаси оромгоҳнинг соя-салқинлигидан, тинч ва сокинлигидан хурсанд бўлиб, газета-журналлар, кутубхона ва мусиқа ва маданий ҳордиқ чиқариш хоналари, даволаниш имкониятлари йўқлигидан нолиб гапиришди.

Оромгоҳ шифокори Исмоил Умаров билан суҳбатлащдик. Шунақаси ҳам бўларкан. Оромгоҳда тиббиёт хонаси йўқ. «Дори-дармонларим омборхонада туради, — деди шифокор Исмоил Умаров, — керак пайтида бориб оламан...» Биз ҳам эринмасдан дўхтир билан ўша омборхонага бордик. Эшикда отнинг калласидек қулф осиғлиқ, деразалар темир панжара билан беркитилган. Омборхона мудири озиқ-овқат масаласида қаёққадир кетган эмиш. «Фараз қилайлик, ҳозир сизга дори-дармон жуда зарур, — дедим мен дўхтирга. — Қани, олинг-чи?», «Ҳеч бундай бўлмаганди, бугун мухбирлар келганда шундай бўлиб қолди-да», — дея ўзини оқлади дўхтир. Аслида оромгоҳ шифокорида на режа, на беморларни қайд этиш дафтари бор.

Бош ошпаз Султон Наримоновдан ҳам хафа бўлдик. Бу киши бизга овқатлар йўқламасини ҳам, тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақидаги рухсатномаларини ҳам кўрсата олмадилар.

Оромгоҳ директоридан иш режасини сўрадик. У киши эса «Оромгоҳимиз 60 ўринли. Ҳозир 30 нафар киши дам олаяпти. Эрта-индин дам олувчилар яна кўпайса керак. Биз ёз мавсумда 560 нафар кишига хизмат қилишимиз керак. Бизнинг йўлланмаларимиз арзон, 1255 сўм ҳисобидан 12 кун дам олиш мумкин...» каби бир-бирига «пайвандлашиб ёпиштирмаса сира ёпишмайдиган» гапларни пойинтар-сойинтарига қарамай айтиб ташладилар. Биз эса яна саволимизни такрорладик: «Оромгоҳнинг иш режаси борми?» Бу сафар аниқ жавоб олдик: «Йўқ, энди тузамиз».

«Одамнинг юзи офтобдан иссиқ бўлади», — дейишади. Бу ҳақ гап. Бироқ қанчалик қийин бўлмасин, барибир, биз аччик ҳақиқатни оромгоҳ директори Қиём ака Эргашевнинг юзларига айтдик.

«...Ҳали вилоят халқ таълими бошқармасини, ҳали унинг касаба уюшмаси қўмитасини, ҳали вилоят касаба уюшмаси қўмитасини раҳбариятлари устидан нолигандан кўра, йил бошидаёқ имконият ва камчиликларни ҳисобга олган ҳолда аниқ режа тузиб, астойдил ишласангиз бўлмайдими? «Йиғламаган болани онаси эмизмайди», «Ҳаракатда баракат», «Изланган имконият, эринган одам баҳона топади». «Раҳбар ходимларга, ҳомий ташкилотларга боринг, камчилик ва етишмовчиликларни айтинг. Ҳеч бўлмаса, Майна Ҳасанова номли оромгоҳга ўтиб, тажриба ўрганинг...».

Жўнаётганимизда оромгоҳ директори қайта-қайта «бирор гапсўз қилмаслигимизни» сўрадилар. Бироқ биз индамадик. Хуллас ёзаман десам, яна ҳали анча-мунча гаплар бор. Яхшиси, қолганларини мен ёзмай, сиз ўқиманг.

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.
Қашқадарё вилоят Яккабоғ тумани.

Ота-оналарга ёрдам

ИҚТИДОРЛИ БОЛА ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

Иқтидорли болалар бошқа болалардан кўпгина хусусиятлари билан ажралиб турадилар.

Уларни аниқлаш ва улар билан ишлаш, албатта, ўқитувчилар, мактаб раҳбарларининг вазифасига киради. Бундан ташқари, ҳар бир ота-она ҳам ўз боласининг иқтидори билан қизиқса, яхши иш буларди. Шуни ҳисобга олиб америкалик психологларнинг тадқиқот ишларидан бири — иқтидорли болаларнинг хусусиятлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

— Иқтидорли болалар ҳар томонлама синчков, чуқур билимли бўлиб, олам қандай тузилгани билан ниҳоятда қизиқадилар.

— Улар ҳодиса ва нарсалар ўртасидаги алоқани билиб олишга қодир, ҳар хил хулосалар чиқара оладилар, ҳар хил муқобил тизимлар ўйлаб чиқаришга ҳаракат қиладилар.

— Аъло хотира эрта ривожланган тил билан уйғунлашиб, катта ҳажмдаги маълумотларни классификациялаш ва тоифалаш ишини тезлик билан амалга оширишга, фойдаланишга қобилиятлари етади!

— Иқтидорли болалар катта луғавий заҳирага эга бўлиб, ўз фикрларини аниқ ва эркин ифода эта оладилар. Ўзини кўрсатиши ва ҳузурланиши учун улар кўп вақтда янги сўзларни ижод этиб, ўйлаб чиқарадилар.

— Улар баъзи ҳодиса ва воқеалар маъносига тушуниб етмасалар ҳам кўп ҳаракат қилиб кўрадилар, қийин масалаларни ечишга уринадилар.

— Баъзи иқтидорли болалар катта математик қобилиятга эга бўлиб, ҳисоблаб чиқариш ва мантиқан ўйлашга кўп вақт сарфлайдилар. Бу эса ўқишда уларнинг бошқа ўқувчиларга нисбатан илгарилаб кетишига сабаб бўлади.

— Иқтидорли болалар узоқ вақт диққатларини бир жойга тўплашга ва катта иродавий хислатларга эга бўлишади.

— Баъзи пайтларда иқтидорли болалар тажрибаси етмаганлиги сабабли қўл силтаб, масалани ҳал қилолмасликларини айтишлари мумкин. Бундай пайтларда улар ҳар қандай ёрдамга муҳтождирлар.

— Иқтидорли болалар ҳақиқатни тез англаб оладилар, ривожланиб бораётган билим ва тафаккурга эга бўладилар.

— Улар теваракдаги адолатсизликдан тез таъсирланиш хусусиятига эга бўлиб, уни ўраб олган кишиларга қаттиқ талаблар қўядилар.

— Улар ижод қилишда, ўйлаб топишда, ўйин элементларини киритишда катта фантазияга эга.

— Улар ҳазил-мутойибани жуда яхши кўрадилар, ҳар қандай тўғри келмайдиган кулги, сўз ўйинини яхши кўрадилар. Уларнинг ҳазиллари бошқа тенгдошларидан фарқланади.

— Иқтидорлилар ҳис-туйғуга кўп берилган бўлиб, ёшлигидан чидамсиз, сабр-тоқатсиз ва қизғанчиқ бўладилар.

— Улар бирор нафсониятига тегишдек ўзига хос хусусиятлари билан ҳам ажралиб турадилар.

— Ўзини бошқалардан катта тутиш қобилияти эса оддий болалардагидек.

— Баъзи пайтларда иқтидорли болаларда ўзини англаш манфий йўналишда ривожланиб, тенгқурлари билан мулоқотда бўлишда қийинчиликларга дуч келадилар.

Ҳурматли ота-оналар!

Ўйлаб кўринг, таққосланг, синаб кўринг! Юқорида келтирилган хусусиятлар балки сизнинг ўглингиз ва қизингизда бордир.

Агар бор бўлса, психологга учранг ва маслаҳатлар олинг.

Шавкат САДРИДДИНЗОДА,
Самарқанд ВПХМОИнинг халқ таълими диагностикаси, ахборот ва тарғибот марказининг бошлиғи.

ҚУТЛОВ

Халқ таълими вазирлиги ходимлари Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг муовини А.А.Йўлдошевни 50 йиллик тўйи билан табриклаб, мустаҳкам соғлиқ, ишларига ривож тилайди.

СПОРТ БАЙРАМИ

Республикамизда спортни ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар ўз самарасини бераётир. Мамлакатимизнинг ажойиб спортчилари халқаро миқёсда улкан галабаларни қўлга киритиб, Ўзбекистон номини жаҳонга танитмоқдалар. Спорт борасида қўлга киритилаётган ютуқлар спортнинг оммавийлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Мусобақаларнинг ўтказилиши байрам тусига айланиб бораётганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Ана шундай спорт байрамларидан бири Қўқон давлат педагогика институтининг ўйингоҳида бўлиб ўтди. Даврага жисмоний тарбия факультетининг енгил атлетикачилари кириб келдилар. Атлетикачилардан Осиё Ўйинлари совриндори О.Воронина, республика совриндори Шокир Кимсановларнинг чиқишлари байрам қатнашчиларида унутилмас таассурот қолдирди. Ўйингоҳнинг бир четида қўл тўпи мусобақалари ўтказилди. Гимнастикачиларнинг даврага чиқишлари қарсаклар билан кутиб олинди. Улар музика садолари остида мураккаб акробатик машқларни маҳорат билан намойиш қилдилар. Спортнинг мардлик ва жасурлик тимсоли эканлиги боксчиларнинг рингга чиқиши билан яна бир бор исботланди. Айниқса, рингга жисмоний тарбия факультетининг талабаси, Ўзбекистон чемпиони, халқаро мусобақалар ғолиби Ж.Сайдуллаев ва республика совриндори А.Исматуллаевларнинг чиқиши ўқитувчи ва талабаларнинг эътиборини ўзига тортди. Улар боксниг нозик сирларини намойиш қилиш билан барчани лол қолдирдилар. Курашчиларнинг даврага чиқишлари ҳам байрамга ўзгача бир руҳ бахш этди. Уларнинг ўзаро беллашувларини давра аҳли мароқ билан томоша қилди. Шаҳардаги 4-болалар боғчасининг кичикинтойлари ўзларининг ғўзал рақслари ва шўх қўшиқлари билан байрамнинг файзига файз қўшдилар.

Спорт байрами жисмоний тарбия факультети футбол жамоаси ва институт ўқитувчилари терма жамоаси ўртасида ўтказилган футбол мусобақаси билан якунланди.

С.ОДИЛОВ.

СУВ ВА БОЛАЛАР

Ёз — одамни сувга ошнаю ташна этадиган фасл. Болажонларни айтинг, майдону хиёбонларда шарқираб турган фавворалар улар учун айниқса жозиб. Бори анҳору дарёлар ҳам айни фаслда болалар билан гавжум. Улар ёзги таътилда чўмилиб қувнайдилар, катталар эса уларнинг қувнашини исташади. Бу, албатта яхши. Лекин, болалар қувончини таъмин этмоқчи эканмиз, ҳушёр бўлайлик! Чунки эътиборсизлик туфайли болаларнинг сувга чўкиб кетиш ҳоллари кўпаймоқда. Сувнинг ором, айни дамда «тилсиз ёв» эканлиги асло ёдимиздан чиқмаслиги керак. Токи, шарқираб турган фаввора ҳамиша болалар учун жозиб, бори анҳору дарёлар болалар билан гавжум бўлсин, фақат... Фақат, ҳамиша катталар кузатувида, асло ёлғиз эмас!

А. БЕКМУРОДОВ.



А. МАМАДАМИНОВ олган сурат

ЭЪЛОН

ХУРМАТЛИ, НИЗОМИЙ НОМЛИ ТДПИНИНГ ТАРИХ-ГЕОГРАФИЯ БУЛИМИНИ 1976 ЙИЛ ТУГАТГАН СОБИҚ КУРСДОШЛАР!

Сизларни битирганимизнинг 20 йиллиги муносабати билан бўладиган СОҒИНЧ учрашувига таклиф этамиз.

Учрашув 1996 йил 2 август куни соат 12.00 да педагогика институти биноси олдидаги бош майдонда бўлади.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0381. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6